

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

44-сон
(960)
2020 йил
9 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

482. «Жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-645-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

483. «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон Фармони
484. «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон Фармони

485. «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 ноябрдаги ПҚ-4877-сон қарори
486. «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида фискал институтни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги ПҚ-4879-сон қарори
487. «Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги ПҚ-4881-сон қарори
488. «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон қарори

Бешинчи бўлим

489. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 21 сентябрдаги 21/12-сон «Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан, банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3283*)
490. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 01-43/4102, 422-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисоби-га фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»-ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3284*)
491. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2020 йил 23 октябрдаги 01-43/4097-сон «Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазибалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги буйруққа ўзгартириш киритиш тўғрисида»-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3104-2*)
492. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,

Адлия вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 6-2020, 4-сон «Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2780-3*)

493. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 30 сентябрдаги 01-02/15-48-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-5*)
494. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 28 сентябрдаги 270-сон «Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2608-2*)
495. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 03/ЮБ-62-сон «Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2690-2*)
496. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 3 ноябрдаги 133-сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3258-1*)
497. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 2 октябрдаги 01-02/8-50-сон «Товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритишни тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2867-1*)
498. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2020 йил 4 ноябрдаги 2020-14-сон «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-8*)

499. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 15 октябрдаги 45-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-6*)
500. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 28 октябрдаги 24/7-сон «Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

482 **Жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 26 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 21 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8,

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **104-модда иккинчи қисми диспозициясининг «к» банди** қуйидаги мазмундаги «к» ва «л» бандлар билан алмаштирилсин:

«к) бир гуруҳ шахслар томонидан;

л) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса»;

2) **105-модда иккинчи қисми диспозициясининг «л» банди** қуйидаги мазмундаги «л» ва «м» бандлар билан алмаштирилсин:

«л) ўта хавфли рецидивист томонидан;

м) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5,

259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг иккинчи қисми** «185» рақамидан кейин «185², 185³» рақамлари билан тўлдирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **185²** ва **185³-моддалар** билан тўлдирилсин:

«185²-модда. Совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш

Совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда, жамоат жойларида очик (ғилофсиз) ҳолда олиб юриш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Совуқ қуролни ва совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан ов қилишда, касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, жамоат жойларида олиб юриш, худди шунингдек ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида олиб юриш, —

хуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

185³-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий ва хизмат қуроли сифатида муомалада бўлиши тақиқланган ашёларнинг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлиши

Тигининг ёки кескичининг (дамининг) узунлиги тўқсон миллиметрдан ортиқ бўлган, тугмаси ёки пишанги босилганда сопидан автоматик равишда чиқадиган ва маҳкамланадиган ёхуд оғирлик кучи ёки тезкор ҳаракат ҳисобига сурилиб чиқадиган ҳамда автоматик равишда ўрнашадиган тигли совуқ қурол ва пичоқларнинг, шунингдек қурол сифатида қўллаш учун махсус мослаштирилган зарб бериб-парчаловчи ва улоқтирувчи таъсирга эга ашёларни (гурзилар, кастетлар, сурикенлар, бумерангларни ва бошқа ашёларни) қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш, улардан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш, —

мазкур ашёларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

3) **245-модданинг биринчи қисми** «185¹» рақамидан кейин «185², 185³» рақамлари билан тўлдирилсин;

4) **287-модда биринчи қисмининг 1-банди** «185» рақамидан кейин «185², 185³» рақамлари билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлда қабул қилинган «Қурол тўғрисида»ги ЎРҚ–550-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 388-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар — касбий, ишлаб чиқариш ёки спорт фаолиятида ёхуд хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган, саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалган тиғли, кесувчи ашёлар (пичоқлар, бигизлар ва бошқа учи ўткирланган санчиладиган, кесувчи ашёлар), жисмоний куч ишлатганда шикаст етказиши мумкин бўлган ашёлар (бейсбол биталари, софтбол ўйини учун биталар)»;

еттинчи — ўн учинчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **9-модданинг:**

6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) фуқаровий қуролни (бундан ўзини ўзи химоя қилиш қуроли мустасно), совуқ қуролни ҳамда совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ўзини ўзи химоя қилиш мақсадида олиб юриш»;

8 ва 9-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) қуролни ва совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни жамоат жойларида, шу жумладан шаҳар транспортида, шаҳар атрофига қатновчи, шаҳарлараро ва халқаро транспортда очик (ғилофсиз) ҳолда олиб юриш;

9) совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, жамоат жойларида олиб юриш».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Миллий гвардияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 5 ноябрь,
ЎРҚ-645-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

483 Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Жаҳонда COVID-19 коронавирус пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиғи, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатди.

COVID-19 коронавирус инфекцияси, аввало, юрак-қон томир ва нафас олиш йўллари ҳамда семизлик (ортиқча вазн) касаллигига чалинган фуқароларимизнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатди. Натижада, бугунги пандемия орамиздан кўплаб фуқароларимизни бевақт дунёдан кўз юмишига сабаб бўлди.

Барчамиз бундан жиддий хулоса қилган ҳолда зарарли одатлардан воз кечиб, оммавий спорт билан доимий шуғулланиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, хусусан, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини меъёридан ортиқ истеъмол қилмасликни, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётимизга айлантиришимиз зарур эканлигини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари ҳамда оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ва самарали ташкил қилиш, бу борада тегишли инфратузилма ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ҳар бир оила, маҳалла ва туман (шаҳар)да, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа ташкилотларда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар яратиш;

оммавий спортни ривожлантириш бўйича оилалар, синфлар, меҳнат

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 октябрда эълон қилинган.

жамоалари ва ҳудудлар ўртасида спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиш;

аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини истеъмол қилишни қисқартириш, зарарли одатлардан, хусусан, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақт вафот этишни камайтириш;

аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, шу жумладан, тартибсиз ва кечки уйқу олдидан овқатланиш одатларидан воз кечиш;

санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини оилалар, маҳаллалар, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасалари даражасида соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида тарғиб қилиш;

мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида, корхона, ташкилот ва бошқа турдаги барча муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун замонавий моддий-техника базасини шакллантириш.

2. Республикада аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда — юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, «Workout» (маҳалла ва кўча фитнеси) спортнинг устувор турлари этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 104 миллиард сўмдан;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 10 миллиард сўмдан маблағлар ажратилади.

4. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида «Соғлом турмуш тарзи» (www.1hls.uz) платформасини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ кадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига 3 минг сўмдан;

ҳар ойда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган шахсга 300 минг сўмдан, ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп юрган шахсга 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган шахсга 1 миллион сўм қўшимча равишда платформадаги электрон ҳамёнига ўтказилади.

Белгилансинки:

«Соғлом турмуш тарзи» платформасини ишлаб чиқиш ва унга хизмат кўрсатиш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига юклатилади;

«Соғлом турмуш тарзи» платформаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ИТ-парк дирекцияси резидентлари билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилади ва доимий равишда техник қўллаб-қувватланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қурилиш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 15 ноябрга қадар ҳар бир туман маркази ва шаҳарларда пиёда ва велосипедда юриш учун «Саломатлик йўлаклари»ни ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирсин, 2021 йил 1 январдан бошлаб қурилиш ишларини бошласин ва 2021 йил 1 майга қадар тугатсин.

Бунда, қуйидагилар назарда тутилсин:

пиёдалар ва велосипед йўлакларининг умумий узунлиги 3 — 5 километрни ташкил этиши ҳамда ўзаро узвий боғлиқ бўлиши;

замонавий, энерготежамкор (ҳаракат сенсорлари билан жиҳозланган) ёритиш тизимлари ва ёруғлик қайтарувчи, йўлакларнинг бошланиши, оралиги ва якунини кўрсатувчи йўл белгилари билан тўлиқ таъминланиши;

пиёдалар ва велосипед йўлакларини барпо этишда алоҳида ҳаракатланиш имкониятлари яратилиши ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун «тўсиқсиз муҳит» ташкил этилиши.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил учун инвестиция дастури доирасида марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобидан марказий кўчаларни модернизация қилиш учун жами 1,4 триллион сўм маблағлар ажратилишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2021 йил давомида босқичма-босқич барча туманларда аҳоли учун қулай бўлган кўчаларда умумий узунлиги 50 километр бўлган пиёда ва велосипедда юриш учун «Саломатлик йўлаклари»ни ташкил этсин.

Мазкур мақсадлар учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Тошкент шаҳар ҳокимлигига 2023-2024 йилларда қайтариш шarti билан 20 миллион АҚШ доллари миқдорида фoизсиз ссуда ажратсин.

Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, 2022 йилдан бошлаб Нукус, Бухоро, Нурафшон, Самарқанд, Термиз, Хива, Шаҳрисабз ва Қўқон шаҳарларида ҳамда 2023 йилдан бошлаб республиканинг барча йирик шаҳарларида пиёда ва велосипедда юриш учун «Саломатлик йўлаклари» ташкил этилиши таъминлансин.

7. Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 июнга қадар юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини ҳамда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, жисмоний имконияти чек-

ланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, «Соғлом аёл — буюк келажак» гоясини ўзида мужассам этган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар дастурларини тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

8. Қурилиш вазирлиги 2021 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда янгидан барпо этилаётган кўп қаватли турар жойларни қуриш бўйича тасдиқланган амалдаги шаҳарсозлик нормаларига қуйидагиларни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритсин:

аҳоли сони ва уй-жойларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ташкилот ва идораларнинг тегишли ҳудудларида велосипед турар жойлари ва замонавий спорт (шу жумладан, Workout) майдончаларини ташкил этиш;

маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, пиёда ҳамда велосипед юриши учун мўлжалланган «Саломатлик йўлаклари»ни қуриш;

автомобиль ҳаракати юқори бўлган ва катта йўл кесишмаларида аҳолига қулай ўтиш жойларини барпо этиш.

9. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

ҳар чоракда ҳар бир туман (шаҳар)да «Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла» танловини ташкил этсин;

бир ой муддатда танловни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Бунда, маҳалла аҳолиси доимий равишда жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилиши, соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига риоя этилиши, маҳаллада зарур спорт инфратузилмаси мавжудлиги, ўтказилган мусобақалар сони, маҳалла аҳолисининг касалланиш даражаси пасайиб бориши кўрсаткичлари назарда тутилсин;

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан танловда биринчи ўринни эгаллаган маҳаллага 10 миллион сўм, иккинчи ўрин учун 5 миллион сўм ва учинчи ўринга 3 миллион сўм миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, пул мукофоти маблағлари маҳалла фуқаролар йиғинларининг тижорат банкида очилган ҳисобрақамига ўтказилади ҳамда маҳаллада спорт майдончаларини ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш, спорт тадбирларини ўтказиш мақсадларига истисно тариқасида тендер савдоларисиз йўналтирилади.

10. Бош вазир ўринбосарлари Ж. Қўчқоров ва А. Абдухакимов 2020 йил 1 ноябрга қадар Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг таклифларига асосан 2021 йилда:

умумтаълим мактабларига 50 та спорт зали қурилиши учун 100 миллиард сўм;

спорт таълим муассасаларига 48 та спорт иншооти қурилиши учун 400 миллиард сўм ажратилишини таъминласин ва тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

11. Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги 2021 йил 10 апрелга қадар 2022-2023 йилларга мўлжалланган умумтаълим мактабларини спорт заллари билан тўлиқ таъминлаш, ҳар бир туман(шаҳар)да моддий-техника базасига эга бўлган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ҳамда бошқа жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш ва жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, келгуси йилларда умумтаълим мактаблари спорт заллари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва спорт таълим муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш параметрларини сезиларли ошириб бурсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларининг касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа шартномаларида:

иш кунни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари;

технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффуслар белгиланади.

13. 2021 йил 1 январдан барча давлат органлари ва ташкилотларида:

соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга «Спорт тарғиботчиси» қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдорида устама белгилаш йўлга қўйилсин;

иш вақтидан сўнг танланган кунларда (хафтада камида бир марта) раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланиши таъминлансин;

хар шанба соат 14:00 дан кейин ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқа спорт турлари бўйича оммавий спорт мусобақалари ташкил этилсин. Бунда, мусобақалар байрамона руҳда, «шоу» кўринишида ўтказилишига, ғолиб ва совриндорлар муносиб рағбатлантирилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

меҳнат жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш учун барча зарур шароитларни яратишни (тренажёр зали, «Workout» майдончаси, спорт майдончалари ва хоналари, спорт машғулотлари ва мусобақалари) молиялаштириш давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилсин;

биринчи раҳбарлар «Шахсий намуна» тамойили асосида ўзларининг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини камайитириш, саломатликни мустаҳкамлаш) яхшилаш орқали ходимларнинг

антропометрик кўрсаткичлари яхшиланишига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин;

веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета, Интернет тармоғи) орқали бу борада амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, соғлом турмуш тарзига амал қилишнинг аҳамияти мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминласин.

14. Бош вазир ўринбосари А. Абдухакимов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июлдан бошлаб:

вазирлик, идора, корхона, ташкилот, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимларнинг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини), бошқа ўткир касалликларни кескин камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, рейтинг асосида таҳлил қилиш ҳамда натижаларни онлайн кузатиб бориш тизимини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли ҳудудда оммавий спорт билан шуғулланувчилар сонининг ошишига, соғлом овқатланишига, хусусан, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини истеъмол қилишни қисқартиришга, зарарли одатлардан, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан возкечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақт вафот этиш кўрсаткичлари камайтишига қараб ишига баҳо бериш бўйича рейтингни рақамлаштирилган дастур ёрдамида мониторинг қилиш тизимини жорий этсин ҳамда «Соғлом турмуш тарзи» платформаси билан интеграция қилинишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига Бош вазир ўринбосари А. Абдухакимов томонидан тақдим этилган рейтинг кўрсаткичлари асосида:

рейтинг кўрсаткичлари энг паст бўлган давлат органлари раҳбарларининг фаолиятини ҳар ярим йилликда танқидий муҳокама қилиш;

рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган давлат органлари раҳбарларини рағбатлантириш тизимини жорий этиш тавсия этилсин.

16. Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда умумтаълим, профессионал ва олий таълим муассасаларида дарслар оралиғида (катта танаффус вақтида) «Спорт дақиқаси» жисмоний машқлари, дарслар бошланишидан олдин 2 дақиқа нафас олиш машқларини ўтказишни амалиётга жорий этсин;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар, талабаларнинг ёш тоифасига қараб уларнинг жисмоний кўрсаткичларини (югуриш, отиш, сакраш, тортилиш) баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, «Кундалик» рейтинг дафтарига алоҳида саҳифада киритсин ҳамда ҳар чорак таҳлиллари ва натижалари акс эттирилишини таъминласин.

17. Бош вазир ўринбосари Б. Мусаев Халқ таълими вазирлиги, Молия

вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб умумий ўқув соатлари доирасида жисмоний тарбия фанини барча синфларда ҳафтада 2 соатдан ўқитишни ташкил этсин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) бир ой муддатда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг врач ва ўрта тиббий ходимларини диетология бўйича тайёрлаш, шу жумладан, амалий кўникмаларини шакллантириш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил қилсин;

б) 2021 йил 1 мартга қадар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда ортиқча вазнга эга бўлган шахслар учун ўртача кунлик овқатланиш меъёри ва рациони ҳамда жисмоний машқлар комплексини ишлаб чиқсин ва уни аҳоли орасида доимий тарғиб қилиб борсин;

в) қўйидагиларни:

мактабгача таълим ташкилотларининг тиббиёт ходимлари ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидан умумтаълим мактабларига бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан тарбияланувчилар ва ўқувчилар соғлиғи ва жисмоний камолоти доимий равишда назоратга олинишини, уларнинг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишини, бадан-тарбия машқлари ўтказишини ва мунтазам равишда спорт билан шуғулланишини, соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинишини, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилишини, овқатланиш режими ва сифатига риоя этилишини;

мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, таркибида туз, қанд ва ёр микдори меъёридан ортиқ бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликлар, нон маҳсулотлари истеъмолини камайтириш бўйича оилалар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришни;

2021 йил 1 мартга қадар тиббиёт ходимлари томонидан болаларнинг соғлиғини инобатга олган ҳолда, жисмоний тарбия билан шуғулланиши устидан назорат ўрнатилишини ва болаларнинг саломатлиги асосида тиббий-соғломлаштириш гуруҳларига ажратилишини ҳамда шунга қараб жисмоний чиниқтириш микдори белгиланишини таъминласин;

г) Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун рақамлаштирилган дастур ёрдамида мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқсин.

19. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2025 йилга қадар ҳудудий ва тегишли тармоқ дастурлари доирасида таълим муассасаларини, хусусан, мактабгача таълим, умумтаълим ва спорт муассасаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўрсин.

20. Молия вазирлиги:

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган

рўйхат асосида давлат мактабгача ва умумтаълим муассасаларини бирламчи спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш харажатлари учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни назарда тутсин, бунда ушбу мақсадлар учун 2021 йилда ҳар бир давлат мактабгача таълим ташкилотига 2 миллион сўмдан, умумтаълим муассасасига 5 миллион сўмдан ажратсин;

2021 йил 1 январга қадар аҳоли саломатлиги учун зарарли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларга махсус йиғим жорий этиш ва ушбу тушумларнинг бир қисмини «Соғлом турмуш тарзи» платформасини сақлаш харажатларини ҳамда мазкур Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган тўловларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида марказлашган тартибда рақамли технологияларни жорий этиш, шунингдек, барча тизим ташкилотларига ягона электрон дастурий таъминотни яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш учун маблағ ажратсин.

21. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан «Соғлом турмуш тарзи» платформасида рўйхатдан ўтган ва ундан фойдаланган жисмоний шахслар сонига ҳамда уларнинг спорт натижаларига қараб вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳар чорак якуни бўйича рейтинги тузилади ва улар фаолиятига Вазирлар Маҳкамаси томонидан баҳо берилади.

22. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳудудларда хусусий тадбиркорлар томонидан барпо этилган спорт иншоотлари базасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида спорт муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш ёки давлат спорт муассасалари фаолияти турини ўзгартирмаслик шarti билан уларни хусусийлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиб, 2021 йил 1 мартга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, талаб юқори бўлган спорт турини танлаб олиб, мазкур йўналишдаги муассасаларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ташкил этиш, сақлаш ва молиялаштиришни босқичма-босқич қисқартириш, давлат спорт муассасаларининг бўш ер майдонларида спорт майдончалари ва иншоотлари, меҳмонхоналар, спорт кийимлари ва жиҳозларини сотишга мўлжалланган дўконлар, соғлом овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, фитобарлар, фитнес марказлари учун бинолар қурилишига рухсат берилишини назарда тутсин.

23. Инновацион ривожланиш вазирлиги 2021 йилдан бошлаб ҳар йили: жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар учун 10 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда грант маблағлари;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар улушини ошириш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларига таянч докторантура ва докторантура учун камида 10 та ўрин ажратилишини таъминласин.

24. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Фанлар академияси ва Ўзбекистон Полвонлар миллий маркази билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар республика ҳудудларида экспедиция ташкил қилган ҳолда миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинлари тарихини ўрганиш асосида «Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедияси»ни тайёрласин ва чоп этсин.

Белгилансинки, «Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедияси»ни тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

25. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда туз, қанд ва ёғ миқдори меъёридан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг рекламасига қўйидаги чекловлар ўрнатишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин:

таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт муассасалари ҳудудида ҳамда жамоат транспортида реклама қилиш;

болалар, анимацион персонажлар ва болалар кўрсатувлари қаҳрамонлари иштирокида реклама қилиш;

оммавий ахборот воситаларида болалар учун мўлжалланган кўрсатувлардан 30 дақиқа олдин ва кейин намойиш қилиш.

26. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда:

а) мунтазам равишда:

ёшлар, хусусан, боғча ёшидаги болаларда жисмоний тарбия ва спорт тушунчасини пайдо қилиш ва уларни қизиқтириш мақсадида «Болаликдан спортга», «Тонгги гимнастика», умумтаълим мактабларида «Биз билан бажар, биздек бажар, биздан яхшироқ бажар!», «Қувноқ стартлар» синфлараро, «Катта ёшдагилар учун аэробика», «Бошланғич йога машғулотлари», «Ортиқча вазндан воз кеч!» каби спорт машғулотларини ҳамда оилалар ўртасида ўтказиладиган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи!» телевизион спорт мусобақаларини телеканалларда намойиш этиш;

барча телеканаллар, шу жумладан, хусусий телеканаллар эфирида ҳар кўни уч марта (соат 7:00, 12:00 ва 17:00 да) нуфузли спорт мусобақалари голиб ва совриндорлари иштирокидаги 5 дақиқадан иборат оммавий бадан-тарбия машғулотларини узатиш;

аёллар ва кексалар учун соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича «Соғлом турмуш тарзи» кўрсатувларини намойиш этиш;

б) 2021 йил 1 январдан бошлаб «Спорт» телеканалида:

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва ходимларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасидаги оммавий спорт мусобақаларини, шунингдек, мазкур Фармон доирасида ўтказилаётган спорт мусобақаларини доимий равишда ёритиб бориш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мазкур Фармон ижроси асосида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, уларда фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимлар, аҳолининг антропометрик (семизлик даражасини, вазн индексини), бошқа ўткир касалликларни кескин камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш кўрсаткичлари рейтинги натижаларини ёритиб бориш;

в) мазкур Фармоннинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида барча давлат ва хусусий телеканаллар, ижтимоий тармоқларда ҳамда блогерлар иштирокида танқидий муҳокамалар ташкил қилиш ва ёритиш тавсия этилсин.

27. Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

28. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман, шаҳар ҳокимликлари, давлат органлари ва ташкилотлари:

хар йили 1 декабрга қадар кейинги йил учун йил давомида ўтказиладиган ҳафталик мусобақаларни ўтказиш календарь режасини тасдиқласин;

йиллик харажатлар сметасини шакллантиришда мазкур мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

29. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Андижон ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларининг Андижон шаҳридаги марказий стадион номини «Bobur Arena», Самарқанд шаҳридаги марказий стадион номини «Afrosiyob Arena» деб номлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда аҳоли орасида сўров ўтказиш орқали ҳудудлардаги йирик спорт иншоотларига улар жойлашган ҳудуд хусусиятидан келиб чиқиб, шунингдек, Ўзбекистон тарихи ва спортида ном қолдирган тарихий шахсларнинг номлари берилишини ташкил этсин.

30. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг барча қўмиталар, депутатлар, сенаторлар, сиёсий партиялар фракциялари ўртасида «Парламент ўйинлари» спорт мусобақаларини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

31. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни янада ривожлантиришга доир Ҳукумат қарорини тасдиқласин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

33. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фар-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

34. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдурахимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 октябрь,
ПФ-6099-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

484 Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Мамлакатимиз таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, жамиятимизда ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва ижодкор зиёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, ўқувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, тизимда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш мақсадида:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 ноябрда эълон қилинган.

1. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш;

дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш;

таълим-тарбия муассасаларининг раҳбар ходимлари, педагог ва мураббийлари, профессор-ўқитувчилари ва илм-фан соҳалари вакилларининг жамиятимиздаги ўрни ва мақомини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва фаолият самарадорлигига қараб моддий рағбатлантириш;

педагог ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, малака ошириш тизимини «хаёт давомида ўқиш» тамойили асосида такомиллаштириб бориш;

илмий-тадқиқот ва таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий секторнинг салмоғини кенгайтириш, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини шакллантириш, таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш, электрон ресурслар ва масофавий таълимни янада ривожлантириш, таълим олувчилар ўртасида IT-соҳасидаги касбларни оммалаштириш;

илм-фанни иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш, илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқтидорли ёш олимларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, мавжуд илмий ташкилотлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш, республика таълим ташкилотларини нуфузли халқаро рейтингларга кириштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш.

2. Халқ таълими вазирлиги:

а) Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар малакали педагог, илмий ходимлар, психолог ва хорижий экспертларни (шу жумладан, Финляндиянинг малакали мутахассисларини) жалб қилган ҳолда Миллий ўқув дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) ишлаб чиқсин ва унда қуйидагиларни назарда тутсин:

таянч ўқув режасини такомиллаштириш ҳамда ўзаро ўзвий боғлиқ фанларни бирлаштириш ҳисобига уларнинг сонини оптималлаштириш;

ўқувчиларни келгуси ҳаётга тайёрлаш ва уларга ўз билим ва кўникмаларидан амалиётда фойдаланишни ўргатувчи малака талабларини синфлар кесимида ишлаб чиқиш;

фанлараро ўзаро алоқадорлик ва синфлар кесимида даврийликка тўлиқ риоя қилган ҳолда ўқув дастурлари ўртасида узвийликни таъминлаш;

янги авлод дарсликларини ўқитувчининг методик қўлланмаси, ўқувчининг машқ дафтари ва мультимедиа иловаси билан бирга комплекс тарзда яратиш ва нашр этиш;

ўқувчиларнинг фан бўйича эгаллаган билимлари билан бир қаторда саводхонлик, компетенция ва шахсий сифатларини баҳолаш ҳамда касбларга бўлган қизиқишини аниқлаш тизимини жорий этиш;

б) 2021 йил 1 майга қадар Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда Дастурнинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида экспертизадан ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилишини таъминласин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда таянч умумтаълим муассасаларини белгиласин ҳамда Дастурни 2021/2022 ўқув йилида уларнинг таълим жараёнига тажриба-синов тариқасида жорий қилсин.

3. 2021 йил 1 мартдан бошлаб педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда лицензияга эга нодавлат таълим ташкилотларига халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётган раҳбар, мутахассис ва педагог ходимларнинг (кейинги ўринларда — халқ таълими ходимлари) малакасини ошириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда:

халқ таълими ходимлари ўз ихтиёрига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида ёки лицензияга эга нодавлат таълим ташкилотларида малакасини ошириши мумкин;

олий таълим ташкилотлари ва нодавлат таълим ташкилотларининг педагог кадрлар малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ушбу мақсадлар учун Халқ таълими вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида қопланади.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари давлат таълим ташкилотлари педагог ходимларини (кейинги ўринларда — педагог ходимлар) аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифасини бериш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг расмий веб-сайтидаги махсус портал орқали амалга оширилади;

педагог ходимларга барча малака тоифаларини бериш, шунингдек, талабгорларни аттестациядан ўтказиш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади. Бунда, педагог ходимларнинг олий маълумот ёки қайта тайёр-

лаш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги дипломида кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналишлари, мутахассислик ёки ихтисосликларга мос келадиган фанлардан имтиҳонлар ташкил қилинади ва ахборот тизимларини қўллаган ҳолда уларнинг фаолият самарадорлиги баҳоланади;

педагог ходимларга малака тоифаларини бериш бўйича навбатдаги аттестациядан ўтказганлик учун йиғим ундирилмайди, навбатдан ташқари аттестациядан ўтказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

5. Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг умумтаълим муассасасини сақлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини камайтирмаган ҳолда Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларидаги навбатлилиқ коэффиценти 0,7 дан паст бўлган умумтаълим муассасаларини тажриба-синов тариқасида хусусий сектор вакилларига 5 йилга ишончли бошқарувга (кейинчалик узайтириш ҳуқуқи билан) бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда:

ишончли бошқарувчи умумтаълим муассасасида таълим олаётган ҳамда унга бириктирилган микроҳудуд ўқувчиларини бепул ўқитиш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, таълим сифатини ошириш, умумтаълим муассасасининг кўрсаткичларини юқори даражага олиб чиқиш, биноларини таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув жиҳозлари ва лаборатория ускуналари билан таъминлаш бўйича инвестиция мажбуриятларини олади;

ишончли бошқарувчига умумтаълим муассасасининг бўш турган бинолари ва ер майдонлари нодавлат таълим, спорт ва маданият ташкилотлари (шу жумладан, тўгараклар, секциялар, курслар, марказлар) фаолиятини ташкил этиш учун ажратилади;

умумтаълим муассасасининг бўш турган бинолари ва ер майдонларини ишончли бошқарувчига ажратиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда халқ таълими вазирининг қабул қилган қарорига асосан амалга оширилади.

6. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4306-сон қарорида рўйхати белгиланган халқаро фан олимпиадаларида ғолиблик (олтин, кумуш, бронза медали)ни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган умумтаълим муассасаларининг ўқитувчиларига — олий, академик лицей ва касб-хунар мактабларининг ўқитувчиларига — бош ўқитувчи малака тоифаси берилади;

республика фан олимпиадаларида ва кўрик-танловларнинг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган ўқитувчиларнинг малака тоифаси бир поғонага оширилади;

умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасалари ва касб-хунар мактаб-

лари педагогларига 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб синф (гурух) раҳбарлиги учун қўшимча тўловлар 1,5 бараварга оширилади;

2021 йил 1 апрелдан бошлаб Халқ таълими вазирлиги тизимидаги методистларнинг иш ҳақи миқдори — олий тоифали ўқитувчининг базавий тариф ставкаси миқдорига, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари услубчи-маслаҳатчиларининг иш ҳақи миқдори — бош ўқитувчининг базавий тариф ставкаси миқдорига тенглаштирилади;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган ва олий педагогик маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар учун бакалавриятнинг сиртқи таълим шакли бўйича алоҳида мақсадли қабул параметрлари ажратилади;

2021 йил 1 январдан бошлаб олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассисларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараварида бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараварида ҳар ойлик пул компенсацияси берилади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ умумтаълим муассасалари битирувчиларининг олий ҳамда профессионал таълим ташкилотларига ўқишга кириш ҳамда ишга жойлашиш кўрсаткичлари асосида директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумтаълим муассасалари раҳбар ходимлари қуйидаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида рағбатлантирилади:

ўқувчиларининг 90 фоизи ва ундан ортиқ қисми олий ҳамда профессионал таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилинган ва (ёки) ишга жойлашган умумтаълим муассасаларининг директорлари — 12 баравар, директори ўринбосарлари — 6 баравардан;

ўқувчиларининг 85 — 89 фоиз қисми олий ҳамда профессионал таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилинган ва (ёки) ишга жойлашган умумтаълим муассасаларининг директорлари — 9 баравар, директори ўринбосарлари — 4,5 баравардан;

ўқувчиларининг 80 — 84 фоиз қисми олий ҳамда профессионал таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилинган ва (ёки) ишга жойлашган умумтаълим муассасаларининг директорлари — 6 баравар, директори ўринбосарлари — 3 баравардан.

Бунда:

ўқувчиларнинг умумий сонини ҳисоблаганда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ўқувчилар ҳисобга олинмайди;

умумтаълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиш кўрсаткичлари улар мактабни тамомлаган вақтдан бошлаб жорий йил якунига қадар бўлган даврда 3 ойдан ортиқ вақт давомида фаолият юритган ҳолларда шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизими маълумотлари асосида шакллантирилади.

8. Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2024/

2025 ўқув йилига қадар фаолияти давомида юқори натижаларга эришган умумтаълим муассасалари педагогларининг ойлик маошини меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 15 бараваригача босқичма-босқич ошириб бориш чораларини кўрсин.

9. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили туманлар (шаҳарлар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида умумтаълим муассасаларининг рейтинги тузилади;

туман (шаҳар) кесимида тузилган рейтингда биринчи ўринни эгаллаган умумтаълим муассасалари директорлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 10 баравари миқдорида бир марталик рағбатлантирилади;

халқ таълими бўлими мудирлари ва методистларига, умумтаълим муассасалари директорларига ҳамда туман (шаҳар) кесимида тузилган рейтингда биринчи бешта ўринларни эгаллаган умумтаълим муассасаларининг 2 нафар ўқитувчиларига Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳисобидан санаторийларда дам олиш учун бепул йўлланмалар берилади.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасалари ва касб-ҳунар мактаблари битирувчиларининг шаходатномаси (диплом иловаси)га мажбурий 11 йиллик таълимнинг сўнгги 6 йиллик баҳолари ўртача кўрсаткичи киритилади ва ушбу кўрсаткич олий таълим ташкилотига кириш имтиҳонларида инобатга олинади.

Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари билан биргаликда 2022/2023 ўқув йилига қадар ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнини рақамлаштириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида барча умумтаълим муассасаларида «Электрон кундалик» дастурини жорий қилсин.

Давлат тест маркази Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар кенг жамоатчилик билан муҳокама қилган ҳолда умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасалари ва касб-ҳунар мактаблари битирувчиларининг баҳоларини олий таълим ташкилотига кириш имтиҳонларида инобатга олиш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. 2021 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим муассасалари директорларини лавозимга тайинлаш ҳамда иш берувчининг ташаббусига кўра лавозимидан озод этишнинг Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар бош бошқармаси (кейинги ўринларда — ҳудудий халқ таълими бошқармалари) томонидан тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари билан келишилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинсин.

Бунда:

умумтаълим муассасаларининг бўш директор лавозимлари учун ҳудудий халқ таълими бошқармалари киритган номзодлар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан танловдан ўтказилади;

умумтаълим муассасаси директорлиги учун номзодлар танловда тегишли умумтаълим муассасаси кўрсаткичларини келгуси 3 йилда юқори даражага олиб чиқиш бўйича ўз дастури (кейинги ўринларда — 3 йиллик дастур) билан иштирок этади;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан танлов натижаларига кўра умумтаълим муассасаси директори лавозимига тайинлаш учун энг яхши 3 йиллик дастур эгаси шаффофлик тамойиллари асосида танлаб олинади ҳамда лавозимга тайинлаш учун ҳудудий халқ таълими бошқармаларига тақдим этилади;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан танлаб олинган номзод ҳудудий халқ таълими бошқармалари томонидан умумтаълим муассасаси директори лавозимига тайинланади;

умумтаълим муассасаси директори йил якуни бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ва жамоатчилик вакилларига 3 йиллик дастурнинг ижроси юзасидан ҳисобот беради ва ҳисобот натижасига кўра унинг фаолиятига халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан баҳо бериб борилади.

12. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармаси бошлиқлари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари бир вақтнинг ўзида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг таълим ва тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳисобланадилар.

13. 2021 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир умумтаълим муассасасида Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилсин.

Белгилансинки:

а) Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этилган таниқли шоир, ёзувчи, журналист ва ижодкорлар, олий таълим муассасаларининг ижтимоий гуманитар кафедралари профессор ва ўқитувчилари жалб қилинади;

б) Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимига тайинланган:

таниқли шоир, ёзувчи, журналист ва ижодкорларнинг меҳнатига — умумтаълим муассасаларидаги «Ёшлар етакчиси» лавозимининг 0,25 штат бирлиги ҳисобидан;

олий таълим муассасаларининг ижтимоий гуманитар кафедралари профессор ва ўқитувчиларининг меҳнатига — мазкур олий таълим муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади;

в) Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиларга ёш авлодни маънан баркамол этиб тарбиялаш, мактаб ўқитувчилари ва фаол ўқувчиларининг ижодий ишларини кенг жамоатчиликка етказишга кўмаклашиш,

турли хилдаги викториналар, мушоиралар, адабий кечалар, қизиқарли дарслар, китобхонлик ва шеърхонлик мусобақаларини ташкил этиш вазифалари юкланади.

14. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб:

умумтаълим муассасалари директорларининг маънавий маърифий ишлар бўйича ўринбосарини лавозимга тайинлаш туман (шаҳар) маънавият-маърифат маркази тавсиясига асосан амалга оширилади;

умумтаълим муассасалари директорларининг маънавий маърифий ишлар бўйича ўринбосари йил якуни бўйича туман (шаҳар) маънавият-маърифат кенгашига ҳисобот беради ва ҳисобот натижасига кўра унинг фаолиятига баҳо бериб борилади.

15. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим муассасалари битирувчилари ўз иқтидори ва қизиқишларига мос касбни танлаб олиши, меҳнат бозорида муносиб ўрнини топиши, касбий фаолиятида муваффақиятга эришиши учун «Касбга йўналтириш тизими» жорий этилсин.

Мазкур тизим доирасида:

а) Халқ таълими вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

7-синфдан бошлаб ўқувчилар ўртасида интерактив сўровномалар ўтказсин, касб-ҳунарга бўлган қизиқишини аниқласин ва уларнинг маълумотлар базасини яратсин;

7-синф ўқувчилари учун ҳар ойда бир марта «Касблар оламига саёҳат» мавзусида махсус курслар олиб борсин;

8-синф ўқувчилари учун ҳар чоракда камида бир маротаба «Менинг келажакдаги касбим» мавзусида семинар-тренинглари олиб борсин ҳамда ўқувчиларни келажакда эгалламоқчи бўлган касбларга йўналтирсин;

9-синф ўқувчиларининг касбий мойиллиги бўйича ўтказилган педагогик-психологик ташхислар натижалари асосида келгусида аниқ ишчи касблар бўйича касб-ҳунар мактабларида таълим олиши мумкин бўлган ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб борсин;

б) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторида умумтаълим муассасалари битирувчилари шуғулланиши мумкин бўлган касб ва лавозимларни белгиласин ҳамда уларнинг профессионал стандартларини ишлаб чиқсин;

умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун махсус касбий тайёргарликни талаб қилмайдиган мутахассисликларга ўқитиш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил қилсин;

ўқувчиларнинг мактаб фанлари бўйича амалий дарсларини салоҳият-ли иш берувчилар, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, кластерлар ва кооперацияларда ўтказилишини таъминласин;

туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари ҳамда яқин масофада жойлашган касб-хунар мактабларида умумтаълим муассасалари ўқувчиларини касбга йўналтириш бўйича махсус «ситуацион хона»ларни ташкил этсин, электрон дастур ва кўргазмали материалларни ишлаб чиқсин;

туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари раҳбарлари томонидан умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун касбга йўналтириш бўйича амалий дарслар ўтказилишини таъминласин.

16. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш мақсадида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизими жорий этилади;

дуал таълим тизими асосида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчиларга иш берувчи билан тузилган муддатли меҳнат шартномасига мувофиқ иш ҳақи тўланади;

профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий малакасини «WorldSkills» стандартлари асосида баҳолаш тартиби босқичма-босқич жорий қилинади ва ишчи касблар бўйича «WorldSkills Uzbekistan» мусобақалари ўтказилади;

профессионал таълим муассасаларига хорижий мамлакатлардаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида ўрта бўғин кадрларини тайёрлашни ташкил этиш ваколати берилади.

17. Олий таълим ташкилотларининг миллий рейтинги нуфузини ошириш мақсадида:

миллий рейтингда сўнгги 3 йил давомида доимий равишда биринчи 3 та ўриндан бирини эгаллаб келаётган олий таълим ташкилотларига олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бўйича академик ва молиявий мустақиллик берилсин ҳамда мустақиллик мезонлари Европа университетлари ассоциацияси стандартларига мувофиқ қабул қилинсин;

миллий рейтингда биринчи 10 та ўриндан бирини эгаллаган олий таълим ташкилотига мавжуд ихтисосликлар бўйича илмий унвонларни мустақил бериш ваколати берилсин.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва тизимида олий таълим ташкилотлари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар 2021 йил 1 февралга қадар 2030 йилгача халқаро рейтингларда 2 та олий таълим ташкилотини — биринчи 500 та ўриндаги, 8 та олий таълим ташкилотини — биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим ташкилотлари рўйхатига киритиш учун тегишинча «2+500» ва «8+1 000» лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва тақдимот қилсин.

18. Олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар ҳар бир ҳудудда нодавлат, жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида камида биттадан олий таълим ташкилотини ташкил қилсин.

19. Ахборот технологиялари, биология, кимё ва геология-минералогия

фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини бериш ваколати тақдим этиладиган илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

20. Белгилансинки, 2021 йилдан бошлаб олий таълим ва илмий ташкилотлар буюртмасига мувофиқ илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги тематик грантлар кўлами кенгайтирилади, докторантурага қабул босқичма-босқич ошириб борилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича зарур чораларни кўрсин.

21. Мазкур Фармоннинг алоҳида бандлари ижросини самарали ташкил этиш бўйича ҳаракатлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5538-сон Фармони 4-бандининг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

23. Халқ таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 ноябрь,
ПФ–6108-сон

* 1-2-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**485 Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, спортда илм-фанни жадал ривожлантириш, юқори малакали рақобатбардош тренер-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Фарғона филиалини (кейинги ўринларда — Филиал);

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Спортчиларнинг техник-тактик, психофизиологик ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича махсус илмий лабораторияси негизида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети (кейинги ўринларда — Университет) ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда — Илмий тадқиқотлар институти) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг юридик шахс мақомига эга бўлган таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Молия вазирлигининг Ҳазначилигида шахсий ҳисобварақларига эга бўлади;

Илмий тадқиқотлар институти давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Молия вазирлигининг Ҳазначилигида шахсий ҳисобварақларига эга бўлади;

Филиалнинг фаолияти 2021/2022 ўқув йилидан, Илмий тадқиқотлар институтининг фаолияти 2021 йил 1 январдан бошлаб ташкил этилади.

3. Қуйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

а) Филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқ жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни юқори даражада бажаришга қодир малакали кадрлар тайёрлаш;

хизматлар ва соғломлаштириш тармоқларини ривожлантиришнинг илмий-технологик вазифаларини ҳал этиш, илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда спорт соҳасига йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ва илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш;

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни кенг жалб этиш мақсадида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳаларидаги республика ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

олий таълим тизимига замонавий таълим технологияларига асосланган ўқув жараёнларини жорий қилиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизими ҳамда очиқ ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга кўмаклашиш;

б) Илмий тадқиқотлар институтининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг назарий ва илмий методологик асосларини яратиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фундаментал илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, халқаро ҳамда маҳаллий илмий ва амалий грант лойиҳаларини жалб этиш;

юқори малакали спортчиларнинг ўқув машғулоти йиғинларини ўтказиш даврида комплекс илмий-тадқиқотларни ташкил этиш ва инновацион технологияларни кенг қўллаш юзасидан зарур тавсиялар ишлаб чиқиш;

спорт турлари бўйича терма жамоаларни халқаро мусобақаларга тайёрлашда илмий-методик жиҳатдан кўмаклашиш;

спорт психологияси, диетологияси, реабилитацияси ва тиббиёти бўйича илмий-услубий тавсияномалар, ўқув-қўлланмалар, дарсликларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали, илмий асосланган воситалар ва услубларни ишлаб чиқиш;

спортчиларнинг функционал, биокимёвий, психодиагностика, биомеханик иш қобилиятини диагностика қилиш ва коррекциялаш тизимини йўлга қўйиш;

селекция ишларини самарали ташкил этиш мақсадида тренер-селекционер ва мутахассисларга методик ёрдам бериш;

аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ҳолати натижаларини мониторинг қилиш ва коррекциялаш бўйича илмий-услубий тавсиялар бериш;

тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш мақсадида хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш;

республикадаги таълимнинг барча турлари (мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим, шунингдек, мактабдан ташқари, спорт таълими) учун жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича таълим стандартлари ва фан дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, шу жумладан, аудио, видео ва электрон дарсликлар, онлайн дарслар ҳамда бошқа турдаги илмий-методик материаллар тайёрлаш.

4. Белгилансинки:

а) Филиал фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;
хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
халқаро молия институтларининг грантлари;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

б) Илмий тадқиқотлар институти фаолиятини молиялаштириш:

бинолар ва иншоотларни сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, Институт ходимлари (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

давлат илмий дастурларини амалга ошириш учун ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари;
хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган маблағлар;
халқаро молия ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари доирасида тушадиган маблағлар;
қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

в) Филиалга талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари доирасида тасдиқланади;

г) Илмий тадқиқотлар институти директори Университет ректорининг тавсиясига асосан жисмоний тарбия ва спорт вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2020 йил 1 декабрдан бошлаб Университет республикадаги барча жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ташкилотлари ҳамда спорт федерациялари (уюшмалари) фаолияти устидан ўқув ва илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади.

6. Мазкур қарорнинг 5-бандида кўрсатилган вазифани самарали ташкил қилиш мақсадида Университет ҳузурида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритадиган Республика илмий-услубий кенгаши ташкил этилсин.

Қуйидагилар Республика илмий-услубий кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ташкилотлари ҳамда спорт

федерациялари (уюшмалари) фаолиятининг самарадорлигини ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги спорт-таълим муассасаларида машғулотлар ўтказишнинг услубий асосларини ташкил этиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва илмий жиҳатдан асослаш бўйича хулосалар бериш;

спорт соҳасида фаолият юритаётган етакчи мутахассисларни ва илмий ходимларни жалб этган ҳолда ишчи комиссиялар ва эксперт гуруҳларини ташкил этиш.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Университет ректорига, зарурат бўлганда, Илмий тадқиқотлар институти тузилмасига Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг Фарғона шаҳри, Марғилон кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Фарғона вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг ҳамда Фарғона шаҳри, Кимёгарлар кўчаси, 9-уй манзилида жойлашган Фарғона политехника институти балансидаги собиқ Фарғона транспорт касб-ҳунар коллежи бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда Филиалга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фарғона вилояти ҳокимлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Филиалга берилаётган бино ўрнига Фарғона политехника институтига тенг қийматли бино ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Илмий тадқиқотлар институти Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй манзилига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги 2021 йилдан бошлаб ҳар йили жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга ва соҳадаги муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган лойиҳалар танловларининг мунтазам эълон қилинишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифлари асосида 2021/2022 ўқув

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент фармацевтика институти ва бошқа олий таълим муассасаларида спорт тиббиёти, фармакологияси, реабилитологияси, психологияси ва диетологияси, Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Андижон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтлари магистратурасида «Диетология» ва «Нутрициология (овқатланиш илми)» мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш юзасидан ташкилий чораларни амалга оширсин.

12. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури-ни шакллантиришда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Филиал учун ажратиладиган бино ва иншоотлар-да таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш ҳамда Илмий тадқиқотлар институтида ташкил этиладиган лаборатория хоналарини жиҳозлаш ишларининг белгиланган тартибда киритилишини назарда тутсин.

13. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

бир ой муддатда Филиал ва Илмий тадқиқотлар институтининг тегиш-лича низом ва уставлари тасдиқланиши ҳамда давлат рўйхатидан ўткази-лишини, уларнинг юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъмин-ласин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг тажрибасини ўрганиб, кадрлар буюртмачиси бўлган таш-килотларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурла-рини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

2020 йилнинг якунига қадар спорт-таълим муассасалари ҳамда спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) учун босма нашрларни чоп этиш мақсадида Университетда бюджетдан ташқари маблағлар асосида хўжалик ҳисобидаги, юридик шахс мақомига эга бўлмаган «Жисмоний тарбия ва спорт» наشريёти ва босмахона фаолиятини ташкил этиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшим-чалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Бош вазир ўринбосари А.А. Абдуҳакимов — мазкур қарорнинг сифат-ли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташки-лотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар ойда уларнинг раҳбарларидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлар-ни қабул қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев — Филиал ҳамда Ил-мий тадқиқотлар институтининг самарали фаолият юритишини таъминла-син, Университетда олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан

такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси»да белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин;

Миллий телерадиокомпания раиси А.Д. Хаджаев, Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кучимов — Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда спорт турларини ўргатиш методикаси бўйича телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ташкил этсин, шунингдек ёшлар, айниқса уюлмаган ёшлар ўртасида спортни кенг тарғиб қилиш, уларни соғлом турмуш тарзига амал қилишга қаратилган алоҳида кўрсатувлар намойиш этиш орқали оммалаштириш бўйича медиа-режани ишлаб чиқсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 3 ноябрь,
ПҚ-4877-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**486 Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузу-
рида Фискал институтни ташкил этиш тўғрисида***

Молия ва солиқ соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Малака ошириш маркази неги-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

зида Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Фискал институт (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

2. Институтда кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилансин:

солиққа тортиш ва молиявий назорат соҳалари учун бакалаврият ва магистратура йўналишлари бўйича кадрларни кредит-модуль тизими асосида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини тақомиллаштириш;

кадрлар тайёрлаш борасида хорижий давлатларнинг солиқ органлари ва ўқув муассасалари билан тажриба алмашишни кенгайтириш ҳамда қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;

бюджет даромадларини шакллантиришда давлат манфаатларини ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини таъминлай оладиган кадрларни тарбиялаш;

солиқ органлари учун илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган таҳлил услублари билан ишлаш қўникмасига эга бўлган мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

солиққа тортиш ҳамда молиявий назорат соҳаларида амалий ва фундаментал илмий-тадқиқотлар олиб бориш натижасида инновацион лойиҳаларни жорий этишни кенгайтириш;

малакали кадрлар тайёрлашни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг замонавий усуллари, халқаро солиққа тортиш, трансферт нархларни белгилаш, таваккалчиликларни таҳлил қилиш, бизнес-таҳлил технологиялари (Business Intelligence) ва солиқ маъмуриятчилигида илғор ахборот технологияларини (Big Data) қўллаш асосида ташкил этиш;

ўқув жараёнида ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, шу жумладан, педагогик ва ахборот технологияларини, масофавий таълимни, ўқитиш ва тренингларни интерфаол ҳамда муаммоли-вазиятли услубларини кенг жорий этиш, талаба, тингловчи ва педагог кадрларнинг глобал ахборот-ҳуқуқий ҳамда таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Институт:

солиқлар ва солиққа тортиш соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси;

молиявий назорат ва аудит ҳамда солиқ, молия ва тижорат ҳуқуқи, шунингдек, иктисодиётда ахборот технологиялари соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва юқори даражада фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилишини таъминлайдиган олий таълим муассасаси ҳисобланади.

4. Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Молия университети билан Институт тузилмасида мазкур университетнинг бўлинмасини (факультетини) ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Молия университетининг Институт тузилмасидаги бўлинмаси (факультети) моддий-техник таъминоти жорий йилда Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижти-

мойи ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тўлов-контракт асосида тушган маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича «Йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки:

Институт Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказининг барча ҳуқуқ, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институтда ўқув жараёни 2021/2022 ўқув йилидан бошланади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг (иш берувчилар) эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кундузги бакалавриат таълим йўналишларига мос бўлган йўналишлар доирасида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида сиртқи таълим шаклида ўқитиш ташкил этилади. Бунда талабалikka тавсия этилган абитуриентларнинг ўқиши учун тўлов иш берувчининг ходим (абитуриент) билан келишилган шартномасига мувофиқ белгиланган шаклда амалга оширилади;

Институтда бакалавриат таълим йўналишларининг битирувчи босқич талабалари учун таълим жараёни бевосита солиқ органлари маъмурий биноларида ташкил қилинади;

Институт ректори, проректорлари, факультет деканлари, декан ўринбосарлари ва профессор-ўқитувчилари лавозим маошлари — олий таълим муассасаларининг, илмий ходимларининг лавозим маошлари эса — илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорида белгиланади;

Институт бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимларининг лавозим маошлари Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларида белгиланади;

Институтнинг раҳбар, бошқарув ходимлари ва профессор-ўқитувчилари таркибига Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати ходимларининг тегишли тоифалари учун хизматни ўташ ва мукофотларни тўлаш тартиблари татбиқ этилади.

7. Давлат солиқ қўмитаси 2021 йил 1 мартга қадар Институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимига юқори малакали хорижий мутахассис тайинланишини таъминласин.

8. Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Фарғона ва Тошкент солиқ коллежларини Институт ҳузуридаги Фарғона ва Тошкент солиқ техникумлари этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Институтда кадрларни тайёрлашга буюртма шакллантиришнинг шундай тартиби жорий этилсинки, унга мувофиқ:

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари ҳар йили белгиланган муддатларда иш берувчиларнинг Институт томонидан тайёрланадиган кадрларга бўлган эҳтиёжлари ҳақидаги маълумотларни Давлат солиқ қўмитасига тақдим қилади;

Институтга қабул параметрлари белгиланган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрларга бўлган эҳтиёжни ҳудудлар ва иктисодиёт тармоқлари кесимида таҳлил қилиш асосида Давлат солиқ қўмитаси томонидан мустақил белгиланади;

мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари Институт ва унинг ҳузуридаги солиқ техникумлари томонидан тайёрланадиган кадрларга буюртмани шакллантиришда иштирок этишга, хусусан, кадрларни мақсадли тайёрлаш учун тўловни, улар томонидан ўқишни тугатганидан сўнг, шартномада белгиланадиган муддат давомида ташкилот-буюртмачида узлуксиз ишлаш мажбуриятини қабул қилган ҳолда, амалга оширишга ҳақли.

10. Қўйдагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

ҳўжалик фаолиятидан ва шартномалар асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Институт ректорига ва солиқ техникумлари директорларига мазкур муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларга уларнинг иш ҳажми ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда қўшимча ойлик устама белгилаш ҳуқуқи берилсин.

12. Институтга ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтган олий таълим муассасалари эга бўлган ҳуқуқлар билан бир қаторда қўйдаги ҳуқуқлар берилсин:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда таълим йўналишларига ўзгартириш киритиш, ўқув режалари ва дастурларини ҳамда битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

кредит-модуль тизимини ўқув жараёнига жорий этиш борасида профессор-ўқитувчилар ўқув юкламасини мустақил меъёрлаштириш, шунингдек, педагог ходимлар томонидан ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ишлари, «устоз-шогирд» тизими бўйича ишларнинг бажарилишини рағбатлантириб бориш;

халқаро эътироф этилган ташкилотлар — Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ва Academic Ranking of World Universities рейтингларининг барчасида бир вақтда биринчи 1 000 та ўринни

эгаллаган олий таълим ташкилотларининг таълим дастурларидан фойдаланган ҳолда ўқитишни ташкил этиш;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда Институт ҳузуридаги солиқ техникумларининг ўқув-услубий жараёнини мувофиқлаштириш, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, қабул параметрлари ва таълим йўналишларини белгилаш;

солиқ техникумлари педагог ходимлари меҳнатини меъёрлаштириш;

Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш;

ўқиш учун тўлов миқдорини ўрнатган ҳолда Институт бакалавриат ва магистратурасига табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул параметрларини белгилаш;

Институт илмий фаолиятига ва ўқув жараёнига ўқитувчилар ва мутахассисларни, шу жумладан, чет эллик олимларни шартнома асосида жалб қилиш;

Институт ва унинг ҳузуридаги солиқ техникумларида номутахассислик фанларини ўқитиш ва факультатив машғулотлар ўтказишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги барча турдаги, шу жумладан, Институт ва унинг ҳузуридаги солиқ техникумларининг бино ва иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича келишувларни тузиш ва амалга ошириш;

Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда молия йили учун Институт ва унинг ҳузуридаги солиқ техникумларининг даромадлар ва харажатлар сметасини, штат жадвалини, бизнес-режасини тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, ходимларига иш ҳақини тўлаш тизими ва тартибини белгилаш.

13. Институт Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

а) Институтни ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўникмаларига ҳамда амалий иш тажрибасига эга бўлган, шунингдек, хорижда тажриба орттирган малакали кадрлар билан тўлдирсин;

б) тегишли фанлар бўйича янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашнинг комплекс дастури ишлаб чиқирилишини таъминласин;

в) битирувчиларга нисбатан малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

ўқув жараёнини илғор халқаро тажрибани, талабаларда тил тайёргарлигини, таҳлил қилиш қобилиятини, тизимли таҳлил ва бошқарув кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган талабларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш;

ихтисослик фанлари ўқув юкласида амалий машғулотлар ҳажмини тренажёр-имитацион ва дастурий комплексларни қўллаш ҳисобига ошириш ва амалга оширилишини тартибга солувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

г) қуйидагиларни:

Институт ходимларининг стажировка ўташ тартибини;

Институт лавозимларини ички идоравий ротация асосида эгаллаш тартибини;

Институт профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий ва илмий фаолияти бўйича вақт меъёрларини, шунингдек, ўқув юкмасини белгилаш тўғрисидаги низомни;

Институт талабалари томонидан малакавий амалиёт ва магистрлар томонидан илмий стажировкани ўташ тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

14. Инновацион ривожланиш вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг таклифлари асосида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ амалий ва инновацион лойиҳаларнинг танловлар асосида шакллантирилишини таъминласин.

15. Давлат божхона қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда талабаларнинг соҳавий вазирлик ва идораларнинг тегишли бўлинмаларида малакавий амалиётини ташкил этишда Институтга ҳар томонлама амалий кўмак кўрсатсин.

16. Давлат солиқ қўмитаси Институтнинг замонавий ўқув биноси, кутубхона, фаоллар зали, спорт зали ва ётоқхона биносини қуриш, шунингдек, мавжуд биноларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

17. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ 2021 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институт биноларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

18. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказининг Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Кичик халқа йўли, 3-уйдаги бинолари Институтга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида берилсин.

19. Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 ноябрь,
ПҚ-4879-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**487 Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг
халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида***

Қадимий қадриятларимиз, хусусан, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, гуманизм ғояларини ўзида мужассам этган миллий спортимиз бўлган курашни оммалаштириш, ривожлантириш ва дунёга танитиш ҳамда ушбу қадриятимизни умумжаҳон дурдонасига айлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, курашнинг тобора оммалашиб бораётганлиги нуфузли халқаро мусобақаларни ташкил қилишга, мавжуд инфратузилма ва моддий-техник базани модернизация қилишга, спорт инвентарлари ва кийимлари таъминотини яхшилашга, бу борада ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шунингдек, соҳа учун малакали кадрлар, тренерлар ва ҳакамлар тайёрлашга бўлган эътиборни янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Буюк аждодларимиздан мерос қолган кураш спортининг бой анъаналари ва қадриятларини келажак авлодларга етказиш, ўзбек спорти бренди номи билан курашнинг жаҳон аренасидаги ролини ошириш, ёшларнинг миллий спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали уларда ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларнинг, шунингдек, жаҳон халқларининг мазкур спорт тури билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Кураш миллий спорт турини (кейинги ўринларда — кураш) ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳолининг барча қатламларини кураш билан шуғулланишга кенг жалб қилиш ҳамда Ўзбекистонда курашни умумхалқ спорт турига айлантириш;

курашни оммалаштириш, унинг жаҳон спорти дурдонасига айланишига ва Халқаро олимпия ўйинлари дастурига киритилишига эришиш;

кураш билан шуғулланиш учун зарур моддий-техник база ва инфратузилмани шакллантириш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жисмоний тайёргарлик машғулотларида босқичма-босқич кураш ҳамда жанговар курашни устувор спорт турлари сифатида киритиш;

кураш бўйича профессионал тренерлар, ҳакамлар тайёрлаш, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, курашнинг илмий-методологик базасини кучайтириш;

ўзбек кураши брендини яратиш, инвестицияларни жалб этган ҳолда яқтак спорт кийимлари ва кураш гиламларини ишлаб чиқариш, курашни тижоратлаштириш чораларини кўриш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

курашни аҳоли ўртасида, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш.

2. Ўзбекистон кураш федерацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

а) 2021 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта:

вилоятлар марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида кураш бўйича халқаро мусобақани;

устувор равишда хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича халқаро турнирларни ўтказиш;

б) 2020 йилдан бошлаб ҳар йили бир марта давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида кураш бўйича «Ўзбек полво-ни» республика мусобақасини ўтказиш;

в) 2021 — 2025 йилларда вилоятлар марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия те-жамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриладиган ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялашти-риладиган Вазирлик ҳузуридаги кураш маҳорат мактабларини (кейинги ўринларда — кураш маҳорат мактаблари) босқичма-босқич ташкил этиш;

г) Кураш халқаро ассоциацияси ва Ўзбекистон кураш федерацияси муассислигида Халқаро кураш институтини қайта ташкил этиш;

д) Вазирлик тасарруфидаги Сурхондарё вилояти Бойсун туманида жойлашган спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатини амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Ўзбекистон кураш федерациясига бепул фойдаланишга бериш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон кураш федерацияси Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Вазирлик билан биргаликда ишлаб чиқилган:

Кураш миллий спорт турини 2025 йилгача янги босқичга олиб чиқиш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага* мувофиқ;

Кураш миллий спорт турини 2025 йилгача янги босқичга олиб чиқиш концепциясини 2020-2021 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харита-си» (кейинги ўринларда — «Йўл харита») 2-иловага* мувофиқ;

2020 — 2025 йилларда курашни омалаштиришнинг мақсадли кўрсат-кичлари (индикаторлар) 3-иловага* мувофиқ;

2021 — 2025 йилларда вилоятлар марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида янги қуриладиган Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузу-ридаги кураш маҳорат спорт мактабларининг манзилли рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

«Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ва баҳолаш мезонларига эришишнинг пировард мақсади курашни 2028 йилга-ча Халқаро олимпия қўмитаси томонидан олимпия спорт тури сифатида тан

* 1 — 4-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилин-ган.

олинишига ҳамда Халқаро олимпия ўйинлари дастурига киритилишига эришиш деб эътироф этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва курашни оммалаштириш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган «Йўл хариталари» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

Вазирлик марказий аппарати тузилмасида унинг ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар ходимларини мақбуллаштириш ҳисобидан курашни ривожлантириш ва «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларни бажариш учун 1 та штат бирлиги ажратилсин.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига кураш миллий спортини ривожлантириш бўйича бўлим ташкил этиш тавсия этилсин.

4. Қўйидагилар кураш маҳорат мактаблари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ёш истиқболли спортчиларни танлаб олиш ва тарбиялаш масалалари бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари билан узлуксиз ҳамкорликни амалга ошириш, уларга ўқув-услугий ва меъёрий-ахборот ёрдам кўрсатишни таъминлаш;

зарур спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланган ўқув-машғулот базаларини яратиш ҳамда кураш бўйича республика ва халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритишга қодир бўлган спортчиларни тайёрлашда ушбу базалардан самарали фойдаланиш;

кураш маҳорат мактаблари базасида миллий терма жамоалар ва уларнинг захиралари иштирокида ўқув-машқ йиғинлари, республика ва минтақавий спорт беллашувларини ташкил этиш ҳамда мунтазам равишда ўтказиб бориш, хорижий давлатлар тренер ва ҳакамлари билан ўзаро тажриба алмашиш мақсадида чет элнинг кураш клублари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5924-сон Фармонида назарда тутилган 2021-2022 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари ҳисобидан вилоятлар марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида 14 та кураш миллий спорт турига ихтисослаштирилган спорт иншоотлари қурилади;

ушбу банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган спорт иншоотларини сақлаш харажатлари улар томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлардан тушган маблағлар ҳисобидан қопланади;

умумтаълим мактаблари ва спорт таълим муассасаларида кураш бўйича ўқув, ўқув-машқ, ўқувчиларни саралаб олиш (селекция) ҳамда уларда мусобақаларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон кураш федерацияси ва Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда Вазирлик томонидан белгилади ва мувофиқлаштириб борилади;

кураш маҳорат мактаблари директорлари ва спорт бўйича директор ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш Ўзбекистон кураш федерациясининг тақдимномасига асосан Вазирлик томонидан амалга оширилади;

кураш маҳорат мактаблари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бошланғич профессионал давлат спорт-таълим муассасалари ҳисобланади ва уларнинг фаолияти кураш бўйича қобилиятли ва иқтидорли ёш спортчиларни танлаб олиш ва уларни асосан миллий терма жамоаларга тайёрлашга йўналтирилади;

кураш маҳорат мактабларининг ўқувчиларига бепул таълим олиш, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларининг ўқувчилари учун бир кунлик озиқ-овқат меъёрларига мувофиқ озиқ-овқат билан таъминланиш ҳамда ўқувчилар турар жойида бепул яшаш ҳуқуқи берилади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Халқ таълими вазирлиги:

бир ой муддатда спорт гиламлари мавжуд бўлган умумий ўрта таълим муассасаларини инвентаризациядан ўтказиш асосида кураш гуруҳлари ташкил этиладиган мактаблар рўйхатини Ўзбекистон кураш федерациясига тақдим этади;

Ўзбекистон кураш федерацияси билан келишган ҳолда умумий ўрта таълим муассасаларининг спорт залларини кураш гуруҳлари ташкил этиш учун жисмоний тарбия ўқув фанидан бўш вақтда ўрнатилган тартибда бепул вақтинча фойдаланишга беради.

7. Вазирлик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида кураш бўйича амалдаги ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини икки бараварга ошириш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида ҳамда бошқа жисмоний маданият йўналишлари мавжуд олий таълим муассасаларида кураш бўйича мутахассисликни очиш тўғрисидаги таклифларига роҳилик берилсин.

8. Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ўзбекистон кураш федерациясининг:

кураш билан шуғулланган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар томонидан ёшларни ушбу спортга янада кенг жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ёшларни «Полвонлари кўп юрт қудратли бўлур» деган ягона шиор остида бирлаштириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларида бепул кураш гуруҳларини (кейинги ўринларда — кураш гуруҳлари) ташкил этиш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жисмоний тайёргарлик машғулотларида босқичма-босқич кураш ҳамда жанговар курашни устувор спорт турлари сифатида киритиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Вазирлик, Ўзбекистон кураш федерацияси ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг Ўзбекистон кураш федерацияси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Кураш миллий спорт турини ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ҳамда қуйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон кураш федерациясига аъзолик бадаллари;

маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

ҳомийлар — жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағларидан:

«Йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини молиялаштириш;

Халқаро кураш институти, Ўзбекистон кураш федерацияси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари ва бошқа спорт мактабларининг кураш бўлимлари моддий-техник базасини ривожлантириш;

курашни оммалаштириш бўйича халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида курашчилар, тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларнинг хорижий давлатларга ташрифларини ташкил этишга қўмаклашиш мақсадлари учун фойдаланилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон кураш федерациясига Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда Жамғарма фаолиятини ташкил этиш, маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Халқаро кураш институти, Ўзбекистон кураш федерацияси ва унинг Тошкент шаҳар бўлинмаси ходимларининг ойлик иш ҳақи ҳамда уларни сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджетининг;

бошқа ҳудудий бўлинмалар ходимларининг ойлик иш ҳақи ва уларни сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг ва вилоятлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштирилади.

11. Молия вазирлиги:

а) кураш маҳорат мактаблари фаолияти билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, уларни яқтак спорт кийимлари ва кураш гиламлари билан таъминлаш учун зарур маблағларни 2021 йилда ажратсин ва 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин;

б) Давлат бюджетидан 2025 йилга қадар:

Кураш халқаро ассоциацияси ҳисоб рақамига унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили — 10 миллиард сўм, шу жумладан, 2020 йилда Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси ҳисобидан — 10 миллиард сўм;

«Йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирлар учун — 10 миллиард сўм Вазирликка спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасида кўзда тутилган маблағлар доирасида ажратирилишини таъминласин;

в) Вазирлиқнинг буюртманомасига асосан 2020 йилдан бошлаб «Йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича харажатларни қоплаш учун зарур маблағлар ажратсин.

12. Кураш халқаро ассоциациясига ҳар йили Ўзбекистон томонидан ажратиладиган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши учун Молия вазирлигининг вакилини масъул этиб белгилаш тавсия этилсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 31 декабрга қадар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган кураш гиламлари, уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, уларнинг эҳтиёт ва бутловчи қисмлари, шунингдек, хом ашёлари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

14. Ўзбекистон кураш федерациясига:

Вазирлик ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан биргаликда 2022 йил якунига қадар Халқаро «GAISF — Global Association of International Sports Federations» ташкилоти аъзолигига Халқаро кураш ассоциациясининг кириши бўйича чоралар кўриш;

Халқаро кураш ассоциацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Вазирлик билан биргаликда курашни Халқаро олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун ҳар йили амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кураш билан шуғулланган ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларида кураш гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг мунтазам фаолият юритишларини таъминлаш тавсия этилсин.

15. Вазирлик уч ой муддатда:

олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларда кураш бўлимларини ташкил этиш ҳамда мазкур бўлимларнинг фаолиятини ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Ўзбекистон кураш федерацияси, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» ва «Ўзчармсаноат» уюшмалари билан биргаликда халқаро таабларни инобатга олган ҳолда яқтак спорт кийимлари ҳамда кураш гиламларининг давлат стандартлари ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини ҳамда халқаро стандартлаштириш тизимига киритилишини таъминласин;

Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларининг спорт залларини жиҳозлашнинг нормативларига кураш гиламларини киритсин ва мазкур мактабларни босқичма-босқич таъминлаш дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон кураш федерацияси ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг 3-илоvasида назарда тутилган 2020 — 2025 йилларда курашни оммалаштиришнинг мақсадли кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда Кураш халқаро ассоциацияси ва Ўзбекистон кураш федерацияси муассислигидаги Халқаро кураш институти фаолиятини қайта ташкил этишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Вазирлар Маҳкамаси (А. Абдуҳақимов) ўн кун муддатда масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда мажлис ўтказиб, мазкур қарорга мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида ахборот берсин, шунингдек, ҳар чоракда ижросини муҳокама қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

б) Вазирлик (Д. Набиев):

мазкур қарор ва «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишнинг пировард мақсадига эришилишини таъминласин;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон кураш федерацияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда бир йилга мўлжалланган медиа-режани тасдиқласин ҳамда курашни тарғиб қилишга қаратилган мавзули ва кўчма дастурлар, ток-шоулар, интервьюлар ва роликлар намойиш этилишини амалга оширсин;

ҳар чоракда мазкур қарор ва «Йўл харитаси»нинг бажарилиши ҳолати, мавжуд муаммо ва камчиликлар, мақсадли кўрсаткичларда белгиланган натижаларга эришиш ҳолати тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериб борсин;

в) «Йўл харитаси»нинг бажарилишига ва баҳолаш мезонларида назарда тутилган кўрсаткичларга эришишга масъул вазирлик ҳамда идоралар улар зиммасига юклатилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, «Йўл харитаси»ни ижро этиш ҳолати тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Вазирликка ахборот тақдим этсин;

г) Ўзбекистон кураш федерацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, шунингдек, спорт соҳасидаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига «Йўл харитаси»ни амалга оширишда масъул вазирлик ва идораларга доимий равишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

17. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Н.Т. Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 ноябрь,
ПҚ-4881-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

488 Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш- га оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сон Фармони (кейинги ўринларда — Фармон) ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Мактабгача таълим вазирлиги:

а) Халқ таълими вазирлиги ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2021 йил 1 августга қадар болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш ҳамда бошланғич таълим ўқув дастурларининг ўзаро узвийлигини таъминлаш чораларини кўрсин;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 ноябрда эълон қилинган.

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар мактабгача таълим тизимида замонавий ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилсин, жумладан:

халқаро стандартлар ва талаблар асосида мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ривожланишини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқсин;

болаларнинг ўсиши ҳамда мактабгача таълим билан қамраб олиш жараёнларини мониторинг қилиш бўйича «Болалар боғчаси» ахборот бошқарув тизимини ишга туширсин ва унга киритиладиган маълумотларнинг шаффофлигини таъминласин;

мактабгача таълим хизматлари учун электрон тўлов тизимларини жорий қилсин;

мактабгача таълим соҳасида ахборот бошқарув тизимини бошқа вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилсин.

2. Миллий ўқув дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) жорий қилиш бўйича тажриба-синовни лозим даражада ўтказиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказига куйидаги ваколатлар берилсин:

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти, таянч ва вариатив ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш;

Халқ таълими вазирлиги буюртмасига асосан муаллиф ва тузувчиларни танлаш ҳамда дарсликлар ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларнинг ягона макетларини яратиш;

яратилган дарсликлар ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларни экспертиза қилиш, уларни таълим тизимида қўллаш бўйича хулоса бериш;

ўқув режа, дастурлар, яратилган дарслик ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларни тажриба-синовдан ўтказиш ишларига раҳбарлик қилиш.

Халқ таълими вазирлиги уч ой муддатда Республика таълим маркази фаолиятига юқори малакали ва илмий салоҳиятли кадрларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

3. Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси:

Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар Финляндиянинг таълим соҳасидаги тажрибасини, шу жумладан, ўқув дастурлари, дарсликлари, ўқитиш методикалари ва педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини хорижга хизмат сафарини ташкил этган ҳолда ўрганиб чиқсин;

Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Финляндиянинг таълим соҳасидаги ижобий тажрибасини Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида ҳамда Дастурга жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Халқ таълими вазирлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат

инспекцияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар:

халқ таълими ходимларининг малака ошириш жараёнини «хаёт давомида ўқиш» тамойили асосида узлуксиз малака оширишни назарда тутувчи тизимга айлантирсин;

халқ таълими ходимларининг касбий эҳтиёжларини ташхис қилиш асосида уларнинг индивидуал ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва дастурга мувофиқ малакасини ошириш тартибини амалиётга киритсин;

халқ таълими ходимларининг малака ошириш жараёнига кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий қилсин;

халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш, ҳар бир ходимнинг малака ошириш жараёнларини мониторинг қилиш ва шахсий ҳисобини юритиш имкониятини таъминловчи «Узлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформасини ишга туширсин.

5. А. Авлониёй номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Халқ таълими вазирлигининг А. Авлониёй номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт) сифатида қайта ташкил этилсин.

6. Белгилансинки, Институт Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари (кейинги ўринларда — ҳудудий марказлар) учун бош таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда уларнинг ўқув, методик ва илмий фаолиятига раҳбарлик қилади.

Халқ таълими вазирлиги:

2021 йил 1 февралга қадар Институт ва ҳудудий марказларни юқори малакали, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларига ҳамда илмий салоҳият ва амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

уч ой муддатда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий таълим ташкилотлари ҳамда ҳудудий марказларнинг педагог кадрлар малакасини ошириш ўқув режаларига синф раҳбарларини тайёрлаш бўйича ўқув модулларини киритсин.

7. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг Педагогик-психологик ташхис фаолиятини ташкил этиш шуъбалари негизида белгиланган штатлар доирасида юридик шахс мақомисиз Болаларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилсин.

Марказларнинг асосий вазифалари этиб, қуйидагилар белгилансин:

ўқувчи-ёшларнинг психологик саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг барқарор ижтимоий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш;

ўсмирларни ижтимоий реабилитация қилиш, турли хил зўравонлик кўринишларининг олдини олиш, суицидал ҳолатларга мойиллиги бўлган ўқувчиларни барвақт аниқлаш ва уларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш;

халқ таълими тизимида касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик хизмат кўрсатиш, илғор тажрибаларга асосланган касб-хунарга йўналтиришнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этиш;

мактабларда психологик хизматни такомиллаштириш, психологларни методик қўллаб-қувватлаш ва профессионал ривожлантириш, халқ таълими ходимларининг педагогик фаолиятга шахсий мувофиқлигини ўрганиш.

8. Белгилансинки:

Болаларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш марказларига эҳтиёжга қараб умумтаълим мактабларида фаолият юритувчи ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи тажрибали психологлар фуқаролик-хуқуқий шартнома асосида жалб этилади;

Болаларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш марказларининг фаолияти Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази томонидан мувофиқлаштирилади;

2021/2022 ўқув йилида психология соҳасидаги таълим йўналишлари бўйича давлат буюртмаси асосидаги қабул параметрлари 30 фоизга оширилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда психология соҳаси бўйича кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларига ўқув режалари ва таълим дастурларини илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштиришда, уларни иш берувчиларнинг талабларига мослаштиришда қўмаклашсин.

Халқ таълими вазирлиги педагог кадрлар малакасини оширишда болалар психологияси бўйича ўқув курсларини ўтказсин ва мазкур жараёнга малакали, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилсин.

9. 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат олий таълим ташкилотларига кириш учун тест синови топшириқларини тузиш ва экспертизадан ўтказишнинг янги тартиби жорий қилинсин, унга мувофиқ:

тест синови топшириқлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида тузилади;

тест синови материалларининг маъно-мазмунини умумий ўрта таълим тизимидаги фанларнинг ўқув дастурларига мослаштирилади;

абитуриентларнинг назарий билимларни ўзлаштириш даражаси билан бирга мантиқий фикрлаши, масала ва мисолларни бажара олиш қобилияти ва таълимнинг кейинги босқичига тайёргарлигини баҳолайдиган, компетенцияга асосланган тест топшириқлари ишлаб чиқилади;

амалдаги ABITUR дастурини такомиллаштириш ҳисобига янги дастурий маҳсулот ишлаб чиқилади ҳамда 2021/2022 ўқув йили учун саралаш тест синовлари янги тест саволлари асосида ўтказилади.

10. Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

2021 йил 1 мартга қадар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари мудирилари ва методистлари, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари услубчи-маслаҳатчилари фаолиятини тан-

қидий кўриб чиқиб, ушбу лавозимларда меҳнат қиладиган ходимларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонларини (KPI) тасдиқласин;

2021 йил 1 апрелга қадар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари мудирлари ва методистлари, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари услубчи-маслаҳатчилари лавозимларини янги талабларга мос келадиган, юқори малакали мутахассислар билан тўлдирсин.

11. 2021 йил 1 январдан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Халқ таълими ходимларини рағбатлантириш жамғармалари ташкил этилсин.

Қўйидагилар Халқ таълими ходимларини рағбатлантириш жамғармаларининг манбалари этиб белгилансин:

а) туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ходимлари, жумладан, методистларини рағбатлантириш учун:

2021 йилда ушбу бўлимлар йиллик иш ҳақи фондининг 25 фоизи, 2022 йилдан бошлаб — 50 фоизи;

туман (шаҳар) халқ таълими тасарруфидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари (ҳомийлик хайрияларидан ташқари), шу жумладан, бўш турган бино ва ерларини ижарага бериш ҳисобидан тушган тушумлардан 3 фоиз миқдоридаги ажратмалар;

б) умумтаълим муассасалари директорларини моддий қўллаб-қувватлаш учун умумтаълим муассасаларнинг директор жамғармасига ажратилган маблағларнинг 5 фоизи.

12. Молия вазирлиги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда оптик толали юқори тезликдаги Интернет линиялари олиб борилган умумтаълим муассасаларининг ички локал ускуналарини ўрнатиш, ягона «Электрон таълим» тармоғини жорий қилиш, уни бошқариш, контент яратиш ва техник қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари умумтаълим муассасаларининг Интернетдан фойдаланиш хизматлари учун харажатларни ўз вақтида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тўланишини таъминласин.

13. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар:

профессional таълимнинг таълим дастурлари ва ўқитиш материаллари тўпламларини меҳнат бозорининг талаблари, тармоқ малака рамакалари ва профессионал стандартлар асосида иш берувчилар билан биргаликда ишлаб чиқсин ва тизимли равишда такомиллаштириб борсин;

касб-хунар мактабларини ҳудудлар бўйича жойлашуви ҳамда тайёрланадиган ишчи касблардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш учун иш берувчиларга бириктирсин;

профессионал таълим тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг методик таъминотини мустаҳкамлаш, уларни янги таълим ресурслари билан таъминлаб бориш имкониятини берадиган алоҳида электрон платформани ишлаб чиқсин ва таълим дастурлари, ўқитиш материаллари ҳамда бошқа услубий қўлланмалардан масофавий тарзда фойдаланиш имкониятини яратсин;

профессионал таълим муассасалари гуруҳ раҳбарларини тайёрлаш учун ўқувчилар билан ишлаш, улар психологиясини ўрганиш ва методик таъминлашга қаратилган қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этсин;

ривожланган давлатларнинг ИТ-технологиялари, робототехника, туризм, транспорт, энергетика ва бошқа соҳалар бўйича етакчи профессионал таълим муассасалари филиалларини ташкил қилиш бўйича тегишли чоралар кўрсин;

профессионал таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий секторнинг салмоғини кенгайтириш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида профессионал таълим ташкилотларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

14. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

олий таълим ташкилотларининг педагогик бўлмаган бакалавриат таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалари учун ихтиёрий равишда ўзлаштириладиган педагогик тайёргарлик модулларини ишлаб чиқсин ва амалиётга киритсин;

педагогик тайёргарлик модулларининг мазмуни ва ҳажмига қўйиладиган талабларни Халқ таълими вазирлиги ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишсин;

барча олий таълим ташкилотларида ахборот-ресурс марказлари базадасида мавжуд дарслик, ўқув-услубий ва бошқа қўлланмалар рақамли форматга ўтказилиб, уларнинг электрон платформаси шакллантирилишини таъминласин ҳамда улар бўйича рақамли ягона ахборот қидирув тизимини жорий қилсин;

хар бир фан кесимида маъруза, амалий (семинар) ва лаборатория машғулотлари, мустақил ишлар бўйича электрон модулларни ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

давлат олий таълим ташкилотларига хорижий талабаларни жалб этиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида таълим хорижий тилларда олиб бориладиган гуруҳлар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш чораларини кўрсин;

хорижий талабаларни давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилишни йилда икки марта семестрнинг бошида ташкил қилсин.

15. Таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг би-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ринчи раҳбарлари зиммасига дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига қуйидагилар тавсия этилсин:

идоралараро ишчи гуруҳи тузиб, Фармон ва мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

таълим сифатини ошириш, илм-фанни ривожлантириш, битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, педагог ходимлар ва олимларнинг фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратиш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган фаолият устидан таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиш.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш, Фармон ва мазкур қарорнинг жойларда ижросини таъминлаш бўйича «Йўл харита»ларини тасдиқласин.

18. Вазирлар Маҳкамаси:

2021 йил 1 мартга қадар ўқитувчи ва муаллимларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Педагог ходимларнинг мақоми тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин;

2021 йил 1 январга қадар Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази ҳамда Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази фаолиятини такомиллаштириш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

19. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда таълим ва илм-фан соҳасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тўғри етказиш мақсадида ўқитувчилик касбини улуғловчи видеороликлар, илмий-оммабоп кўрсатувлар, бадий ва ҳужжатли фильмларни ишлаб чиқсин, телевидение орқали доимий намойиш қилсин ҳамда ижтимоий реклама сифатида уларни телевидение ва радиоканалларда жойлаштирсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Фармон ҳамда мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини, малакали ўқитувчилар, намунали синф раҳбарлари, мактаблар ва директорларнинг ижобий тажрибаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

21. Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбо-

сари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 ноябрь,
ПҚ-4884-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

489 Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан, банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3283*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан, банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳукукий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирази.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 21 сентябрь,
21/12-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
21 сентябрдаги 21/12-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Бир қарз оловчи, ўзаро алоқадор қарз оловчилар
гуруҳи, шу жумладан, банкка алоқадор шахслар учун
таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ бир қарз оловчи, ўзаро алоқадор қарз оловчилар гуруҳи, шу жумладан, банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликка қўйилган талабларни, шунингдек, банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш ва битимлар ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
қарздор — мазкур Низомнинг 2-бандида келтирилган таваккалчиликлар бўйича банк олдида мажбурияти мавжуд бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

ўзаро алоқадор қарз оловчилар — назорат асосида ва (ёки) иқтисодий асосда ўзаро алоқадор бўлган жисмоний ва/ёки юридик шахслар;

яқин қариндошлар — қариндошлик ёки қайин-бўйинчилик муносабатидаги шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-укалар, опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ёки ўғай ака-укалари, опа-сингиллари;

йирик таваккалчилик — жами суммаси банк биринчи даражали капиталининг 10 фоизи ва ундан юқори бўлган бир қарз оловчи ёки ўзаро алоқадор қарз оловчилар гуруҳи учун таваккалчиликлар;

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар — «Standard & Poor's», «Fitch Ratings» ва «Moody's Investors Service» рейтинг компанияларининг инвестицион рейтинг баҳоларига ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан тан олинадиган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу баҳоларга тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга мамлакатлар;

кредит таваккалчилиги — қарздор томонидан банк олдидаги мажбуриятларини шартнома ёки қонун ҳужжатларида кўрсатилган муддат ва шартларда бажарилмаслиги (лозим даражада бажарилмаслиги) оқибатида юзага келиши мумкин бўлган йўқотиш (зарар) ва/ёки режалаштирилган даромадни олмаслик таваккалчилиги;

халқаро тараққиёт банклари — Жаҳон банки гуруҳи (Халқаро

тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро инвестицияларни кафолатлаш агентлиги, Халқаро тараққиёт ассоциацияси) ҳамда Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестиция банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Европа инвестиция жамғармаси, Ислом тараққиёт банки ва Европа Кенгашининг тараққиёт банки;

ҳал қилувчи эгалик — шахс томонидан ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар томонидан юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) бир ёхуд бир неча битим натижасида олинган камида 5 фонзига бевосита ёки билвосита эгалик қилиш;

назорат қилинадиган алоқалар (бундан буён матнда назорат деб юритилади) — Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддаси учинчи қисмида белгиланган алоқалар.

2. Бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи ҳамда банкка алоқадор шахсларнинг банк олдида юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

банкнинг кредит бўйича талаблари, шу жумладан, қарз, кредит, микроқарз, микрокредит, микролизинг, овердрафт (мижозларнинг депозит ҳисобварақларидаги дебет қолдиғи), лизинг, факторинг;

банкнинг пул маблағлари эвазига бошқа банк ёки кредит ташкилотлари томонидан қарздорларга ҳар қандай билвосита турда ажратилган ва кредит таваккалчилиги мавжуд маблағлар;

бир қарз олувчи томонидан ўзи билан алоқадор бўлмаган бошқа бир қарз олувчига (бунда ушбу қарз олувчи учун йирик таваккалчилик бўлмаган ҳолда) унинг банк олдидаги кредит ёки бошқа мажбуриятлари бўйича банкка тақдим этилган ва жами мажбуриятидан ошмаган миқдордаги кафолат, кафиллик ва қарз олувчи томонидан берилган қимматли қоғозлар;

юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ва қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар, шу жумладан, репо келишувлари доирасида сотилган қимматли қоғозлар (олди-сотдига мўлжалланган қимматли қоғозлар) ва векселлар;

банклараро депозитлар ва кредитлар, вакиллик ҳисобварақларидаги пул маблағлари, банклараро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган маблағлар ва банкларга жойлаштирилган бошқа маблағлар, бундан кунлик (овернайт) банклараро операциялар ва клиринг операциялари мустасно;

репо операциялари ёки қимматли қоғозларга доир қайтарилиши асосида амалга ошириладиган бошқа битимлар бўйича талаблар;

ҳосилавий инструментлар бўйича банк балансидаги талаблар;

балансдан ташқари моддалардаги ҳосилавий инструментлар бўйича талаблар;

кредит таваккалчилиги мавжуд бўлган балансдан ташқари мажбуриятлар, шу жумладан, фойдаланилмаган кредит линиялари, чақириб олинмайдиган мажбуриятлар, кредитлаш бўйича бошқа мажбуриятлар, савдога оид молиялаштиришлар (аккредитив, кафолат ва кафилликлар);

қимматли қоғозлар ёки чет эл валютасини сотиб олиш бўйича қонуний мажбуриятлар;

бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган активлар бўйича талаблар; кредит таваккалчилиги мавжуд бўлган бошқа мажбуриятлар, шу жумладан, олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизли ва фоизсиз даромадлар, бўнаклар ва банкнинг дебиторлик қарздорликлари.

Мазкур банднинг саккизинчи ва тўққизинчи хатбошиларидаги таваккалчиликлар учун капитал монандлилиги ҳисоб-китобларидаги 10 фоиз ва ундан юқори бўлган ҳисоблаш омили қўлланилгандан сўнг чиққан натижалар олинади.

2-боб. Бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори

1-§. Бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг юқори даражаси

3. Банкнинг бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори банк биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

4. Банкнинг бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таъминотсиз (ишончга асосланган) кредит, шунингдек, факторинг хизматлари учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори банк биринчи даражали капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги зарур, бундан банклараро операцияларда юзага келадиган таваккалчиликлар мустасно бўлиб, ушбу операциялар мазкур Низомнинг 3-банди талабига мувофиқ амалга оширилади.

5. Банкнинг барча йирик таваккалчиликларининг умумий миқдори банк биринчи даражали капиталининг 5 баробаридан ошмаслиги лозим.

2-§. Бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи

6. Ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи назорат асосида ва (ёки) иқтисодий асосда вужудга келади.

7. Қарздорлар қуйидаги ҳолларда назорат асосида ўзаро алоқадор бўлади:

а) юридик шахслар ўртасида, агар:

бир юридик шахс бевосита ёки билвосита, якка тартибда ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар гуруҳи таркибида бошқа юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) 20 фоиз ва ундан ортиғига эгалик қилса ёки эгаликни назорат қилса;

бир юридик шахс бошқа юридик шахс устидан назоратни амалга оширса;

юридик шахслар учинчи шахснинг ёки у билан биргаликда ҳаракат қилувчи шахсларнинг назорати остида бўлса;

юридик шахслар асосан иштирокчиларнинг (акциядорларнинг) ёки бошқарув органларининг бир хил таркибига эга бўлса;

б) жисмоний ва юридик шахслар ўртасида, агар:

жисмоний шахс бевосита ёки билвосита, якка тартибда ёки биргаликда фаолият кўрсатувчи шахслар гуруҳи таркибида, юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) 20 фоиз ва ундан ортиғига эгалик қилса ёки эгаликни назорат қилса;

жисмоний шахс юридик шахс устидан назоратни амалга оширса;

жисмоний шахс юридик шахс кузатув кенгаши, бошқаруви аъзоси бўлса ёки мансабдор шахси ҳисобланса;

жисмоний шахсда юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) 20 фоиз ва ундан ортиғига эгалик қиладиган ёки эгаликни назорат қиладиган бошқа юридик шахсга нисбатан раҳбарлик ваколати бўлса;

жисмоний шахснинг юридик шахс назоратни амалга оширадиган бошқа юридик шахсда бошқарувга оид ваколатлари мавжуд бўлса;

мазкур кичик бандда келтирилган жисмоний шахсларнинг яқин қариндошлари бўлса.

8. Ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳидан бир шахснинг молиявий қийинчиликларга учраши, шу жумладан, тўловга лаёқатсизлиги ёки банкрот бўлиши каби ҳолатларда бошқа қарздорнинг (қарздорларнинг) молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши ҳамда банк олдидаги мажбуриятларини тўлиқ қайтариш ва (ёки) тўловни ўз вақтида амалга ошириш имкониятларига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли мавжуд бўлганда қарздорлар иқтисодий боғлиқлик асосида алоқадор ҳисобланади. Иқтисодий боғлиқлик бир томонлама ёки ўзаро бўлиши мумкин.

9. Қарз олувчиларнинг иқтисодий боғлиқлик асосда алоқадорлиги қуйидагича баҳоланади:

бир томон маҳсулот (товар, иш, хизмат) сотишдан олинган 50 фоиз ва ундан ортиқ йиллик тушуми бошқа бир томон билан амалга оширадиган фаолият асосида юзага келса;

бир томон ишлаб чиқарган маҳсулотнинг (товар, иш, хизмат) 50 фоиздан кам бўлмаган қисми бошқа бир томонга сотилса ва ушбу маҳсулотга бозорда бошқа харидор топиш қийин бўлса;

бир томон иккинчи томоннинг банк олдидаги мажбуриятини тўлиқ ёки қисман қоплаш учун гаров, кафолат, кафиллик ёки тўлаб бериш бўйича бошқа мажбурият билан таъминласа;

қарздорларда қарзни қоплаш манбаси ягона бўлиб, қарз бўйича тўловни тўлиқ амалга ошириш ва уни ўз вақтида қайтариш учун бошқа манбалар мавжуд бўлмаса;

икки ва ундан ортиқ томонларнинг ягона молиялаштириш манбаи бўлса ва унга муқобил манба топиш мураккаб бўлса, бундан давлат ва халқаро тараққиёт банклари томонидан молиялаштириш ҳолатлари мустасно. Томонларнинг битта банк ёки молиявий бозордан молиялаштирилиши уларнинг иқтисодий боғлиқлик асосида алоқадор эканлигини англатмайди;

қарздорнинг банк олдидаги мажбуриятларининг 30 фоиздан ортиқ қисми бошқа томоннинг (томонларнинг) маблағлари ҳисобига қайтарилса;

қарздор (қарздорлар) банк томонидан тақдим этилган кредит маблағ-

ларининг 30 фоиздан ортиқ қисмини бошқа томонни (томонларни) молиялаштириш учун ишлатса (икки ёки ундан ортиқ қарздорлар бир сотувчидан жиҳозлар сотиб олиши каби, одатдаги тижорат операциялари бундан мустасно);

жисмоний ёки юридик шахснинг қарздор олдида тўлов мажбурияти мавжуд бўлиб, мазкур мажбуриятнинг бажарилмаслиги қарздорнинг банк олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ёки ўз вақтида қайтара олмаслигига сабаб бўлса;

бир шахс ёки қарздорлар билан назорат асосида алоқадорлиги мавжуд бўлган шахслар қарздорнинг (қарздорларнинг) банк олдидаги мажбуриятлари бўйича гаров (кафиллик) тақдим этса;

қарздорлар қўшма фаолият тўғрисидаги шартнома ёки қўшма фаолиятни назарда тутувчи бошқа ҳужжатга биноан ўзаро алоқадор бўлса;

жисмоний шахслар яқин қариндош ҳисобланса;

қарздорларнинг банк олдидаги мажбуриятлари бўйича биргаликдаги шартномавий жавобгарлиги мавжуд бўлган бошқа ҳолатларда.

10. Икки ёки ундан ортиқ қарздорлар битта шахсга иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлса, ушбу шахс банк миջози ёки қарздори бўлмаган тақдирда ҳам банк уларни ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи сифатида (ушбу қарздорлар ўртасида алоқадорликнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар) тан олиши лозим.

11. Қарздор бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳларига кирса, банкнинг ушбу қарздорга бўлган талабларининг умумий миқдори ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ҳисобланиши лозим.

12. Бир қарз олувчи учун таваккалчилик миқдори банк биринчи даражали капиталининг 5 фоизи ва ундан ортиқ бўлса, банк мазкур қарз олувчига нисбатан иқтисодий боғлиқлик асосида алоқадорлик юзасидан ўрганишлар ўтказиши лозим.

13. Банклар ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳини аниқлашда мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган ҳолатлардан фойдаланишлари мумкин.

14. Банк ҳисоботларида қарздорлар ўртасидаги алоқадорликни ва ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳини кўрсатиши ва ушбу гуруҳлардаги ўзгаришларни кейинчалик кузатиб бориши, улар бўйича маълумотларни янгилаб бориши ва ҳисоботларда тўғри акс эттириш мақсадида йилда камида бир маротаба қайта баҳолаши лозим. Ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи сифатида таснифлаш (ёки алоқадорликнинг мавжуд эмаслиги) мазкур Низомга мувофиқ асослантирилган бўлиши ва бу ҳужжатлаштирилиши керак.

15. Икки ёки ундан ортиқ қарздорлар фақатгина давлат бошқаруви органлари (маҳаллий ёки хорижий), шунингдек, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ёки халқаро тараққиёт банклари томонидан назорат асосида ўзаро алоқадор бўлса ва мазкур қарздорлар ўртасида иқтисодий боғлиқлик асосида алоқадорлик мавжуд бўлмаса, улар ўзаро алоқадор қарз олувчилар ҳисобланмайди.

16. Банклар қарздорларни назорат асосида ва (ёки) иқтисодий асосда алоқадорлигини аниқлашда:

банкнинг асослантирилган мулоҳазасига таянган ҳолда мазкур Низом талабларидан бошқа мезонлардан;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари мезонларидан фойдаланишга, бунда мазкур мезонлар қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги ёки улардаги талаблардан енгилроқ талаблар назарда тутилмаслиги лозим.

3-боб. Банкка алоқадор шахслар ва уларга тўғри келувчи таваккалчиликка қўйилган талаблар

1-§. Банкка алоқадор шахслар

17. Банкка алоқадор шахсларга қуйидагилар киради:

банкнинг кузатув кенгаши ва бошқарувининг аъзолари ҳамда бош банкда ташкил этилган қўмиталарнинг (банк таваккалчиликларини бошқаришга масъул бўлмаган қўмиталар бундан мустасно) банкнинг бошқарув органлари аъзолари бўлмаган аъзолари, шунингдек, банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари;

бевосита ёки билвосита, якка тартибда ёки шахслар гуруҳи таркибида биргаликда фаолият кўрсатувчи, банкда ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган жисмоний ва (ёки) юридик шахслар, шу жумладан, охири бенефициар мулкдорлар. Агар мазкур жисмоний шахсларнинг яқин қариндошлари банкнинг устав капиталидаги улушларга эгалик қилса ёки эгаликни назорат қилса, унинг миқдоридан қатъи назар, ушбу улуш мазкур шахснинг эгалигида ва назорати остида турган деб ҳисобланади;

банк устав капиталида ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган юридик шахсга нисбатан раҳбарлик ёки назорат қилиш ваколатига эга бўлган жисмоний шахслар;

банклар гуруҳига кирувчи молиявий институтлар;

банклар гуруҳига кирувчи молия институтининг капиталида ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар;

банклар гуруҳига кирувчи молия институтининг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари;

устав фондида (устав капиталида) банклар гуруҳининг асосий банки камида 20 фоизга бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи юридик шахс, шунингдек, ушбу юридик шахснинг мансабдор шахслари;

юридик шахс ва унинг мансабдор шахслари, башарти ушбу юридик шахснинг устав капиталида (устав фондида) банк камида 20 фоизга бевосита ёки билвосита эгалик қилса;

банк устидан назоратни амалга ошираётган юридик шахслар устав капиталида (устав фондида) камида 20 фоизга бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи юридик шахс;

банк устав капиталида ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган юридик шахс устидан назоратни амалга ошираётган шахслар;

ушбу банднинг иккинчи — ўн биринчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларга алоқадор шахслар, шу жумладан, жисмоний шахснинг яқин қариндошлари, шунингдек, жисмоний шахслар ва (ёки) уларнинг яқин қариндошлари ўзида назоратни амалга ошираётган ёки устав фондларига (устав капиталларига) эгалик қилаётган ёки бошқарув органининг аъзолари бўлган юридик шахслар;

ушбу банднинг иккинчи — ўн иккинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб банк билан қайси шахслар орқали битим амалга ошириладиган бўлса, ўша шахслар ва мазкур шахслар ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга оид, фуқаролик ёки бошқа муносабатлар мавжудлиги туфайли мазкур битимда ушбу банднинг иккинчи — ўн иккинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларнинг таъсири остида деб ҳисобланадиган шахслар.

18. Ушбу Низомнинг 17-банди иккинчи — ўн иккинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб банк билан битим амалга оширадиган шахслар банкка алоқадор шахс номидан ҳаракат қилаётган ҳисобланади. Банкка алоқадор шахслар номидан ҳаракат қилаётган шахсларга қуйидагилар қиради:

банкка алоқадор шахсларнинг ҳуқуқий вакиллари;

банкка алоқадор шахслар билан ўзаро тузилган битимга асосан банкка алоқадор шахснинг номидан ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлган шахслар;

тузиладиган битимдан олинadиган фойдани бевосита ёки билвосита банкка алоқадор шахсларга берадиган шахслар;

қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга оид, фуқаролик ёки бошқа муносабатлар мавжудлиги нуқтаи назаридан, ушбу Низомнинг 17-банди иккинчи — ўн иккинчи хатбошиларида кўрсатилган шахслар таъсири остида банк билан битим тузган шахслар.

19. Марказий банк банк назоратини амалга оширишда ушбу Низом талаблари ва мезонларига ҳамда ўзининг асослантирилган мулоҳазасига таяниб банкдан айрим қарздорларни банкка алоқадор қарздор сифатида тан олинишини талаб қилишга ҳақли.

2-§. Банкнинг алоқадор шахслари учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори

20. Банкка алоқадор битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори банк биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим.

21. Банкка алоқадор бўлган барча шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори банк биринчи даражали капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

22. Банкка алоқадор битта қарздорга ёки барча шахсларга тўғри келувчи таваккалчилик миқдори ушбу Низомнинг 20 ва 21-бандларида белгиланган талаблардан ошган тақдирда, банкнинг капитал монандлиги ҳисобкитобларида нормативнинг энг кўп миқдоридан ошган таваккалчилик миқ-

дори мазкур ҳисобот санасидан бошлаб банкнинг биринчи даражали капиталдан чегирилади.

23. Қарз олувчи битим тузилган даврда банкка алоқадор ҳисобланмасдан, кейинчалик банкка алоқадор шахсга айланса, таваккалчилик миқдорининг мазкур Низомнинг 20 ва 21-бандларида белгиланган талаблардан ошиши пруденциал нормативга номувофиқ деб тан олинмайди, башарти, банк Марказий банкни 10 кун ичида хабардор қилган ҳолда Марказий банк билан келишилган муддатларда пруденциал нормативга мувофиқлаштириш юзасидан мажбуриятни олган бўлса.

3-§. Банкка алоқадор шахслар билан амалга ошириладиган банк операциялари

24. Банкларнинг банкка алоқадор бўлган шахслар билан ёки улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар билан тузадиган шартномалари банкка алоқадор бўлмаган шахслар учун назарда тутилган шартномаларга қараганда анча қулай шартларга асосланган ҳолларда уларнинг бундай шартномаларни тузиши тақиқланади. Бунда, анча қулай шартларни тақдим этишга қўйидагилар киради:

таваккалчилиги юқори бўлган ёки бошқа ноқулай ҳолатлар туфайли банк ўзига алоқадор бўлмаган шахслар билан тузмайдиган битимларни тузиш;

банкка алоқадор бўлмаган шахслардан олинадиган фоиз ёки воситачилик ҳақларига нисбатан кам миқдорда фоиз ёки воситачилик ҳақларини ундириш;

банкка алоқадор шахсларга кўрсатилган хизмат учун банкка алоқадор бўлмаган шахслар томонидан тўланадиган суммадан кам миқдорда ҳақ тўланганда ёки хизмат ҳақи умуман тўланмаганда;

банкка алоқадор шахсларнинг кредитлари бўйича тўлов муддатларини банкка алоқадор бўлмаган шахсларнинг кредитларига нисбатан устун шартларда узайтириш;

банкка алоқадор шахсларнинг таваккалчиликларининг назоратини анча қулай шароитларда амалга ошириш ва ҳисобдан чиқариш;

банкка алоқадор шахслардан муайян активларни бозор нархларига қараганда юқори баҳода сотиб олиш;

банкка алоқадор бўлган шахсларга муайян активларни бозор нархларига қараганда паст нархларда сотиш;

бошқа шахсларнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилиш имконияти бўлганда, фаолият кўрсаткичлари паст ёки таваккалчилик даражасининг юқори бўлган банкка алоқадор шахсларнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилиш;

банкка алоқадор шахслардан ноликвид активларни сотиб олиш ёки ноликвид активларни банкка алоқадор шахслардан кредит таъминоти сифатида қабул қилиш.

25. Банкка алоқадор шахсга ёки унинг номидан фаолият кўрсатувчи шахсга ажратиладиган ҳар қандай кредит (қарз):

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг кафолати ёки бошқа мажбуриятлари билан таъминланганда кредитнинг камида 100 фоизи;

кредит берувчи банкка миллий валютада киритилган депозитлар қўйилганда кредитнинг камида 100 фоизи;

кредит берувчи банкка чет эл валютасида киритилган депозитлар қўйилганда кредитнинг камида 110 фоизи;

давлат қимматли қоғозлари қўйилганда кредитнинг камида 125 фоизи;

бошқа турдаги таъминот қўйилганда кредитнинг камида 130 фоизи миқдорида бозор баҳосидаги таъминот билан таъминланиши шарт.

Банк таъминот қийматини керакли миқдорда ушлаб туриш учун тегишли чораларни кўриши керак. Агар таъминотнинг бозор қиймати пасайиб кетса, банк 10 кун ичида таъминот суммасини ушбу Низом талабларига мувофиқлаштириш учун зарур чораларни кўриши керак.

26. Банк фақатгина кузатув кенгашининг тегишли қарори мавжуд бўлган ҳолатда ўзи билан алоқадор шахслар билан битим тузиши мумкин.

27. Кузатув кенгаши аъзоси банк ҳамда қуйидаги шахслар ўртасида тузилган ёки тузиладиган битимларнинг муҳокамасида иштирок этмаслиги ёки бошқа усуллар билан кузатув кенгашининг қарорига таъсир қилмаслиги лозим:

кузатув кенгаши аъзосининг ўзи;

кенгаш аъзоси бўлган шахснинг яқин қариндошлари;

кузатув кенгаши аъзоси ёки унинг яқин қариндошлари, ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган ёки кучли таъсир ўтказадиган ҳар қандай юридик шахс; мазкур банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида келтирилган шахслар номидан ҳаракат қилувчи ҳар қандай шахс.

28. Банкка алоқадор бўлган шахс билан банк ўртасидаги ҳар қандай битимга оид кузатув кенгашининг қарорида битимнинг барча тегишли шартларига оид ахборотлар тўлиқ кўрсатилиши керак.

29. Мазкур Низомнинг 28-бандида назарда тутилган ахборотлар ўз ичига битим миқдори, фоиз ставкаси, қарз олувчининг молиявий аҳволи, унинг олган маблағни ўз вақтида қайтара олиш имконияти тўғрисида молиявий ахборот, таъминот миқдори тўғрисидаги маълумотларни қамраб олиши зарур.

Банк активларининг олди-сотди операцияларига доир маълумотда активларнинг қийматини тасдиқловчи ахборот бўлиши керак.

30. Ҳар бир банк ушбу Низомнинг 17-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган шахслардан камида йилига бир марта уларнинг яқин қариндошлари ва яқин қариндошларидан бири томонидан кучли таъсир ўтказиши мумкин бўлган шахслар рўйхатини шакллантириб бориши керак.

4-боб. Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан, банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг ҳисоб-китоблари ва улардан чегирмалар

31. Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жум-

ладан, банкка алоқадор шахслар учун таваккалчилик ҳисоб-китобларида активлар учун эҳтимолий йўқотишларни қоплашга мўлжалланган мажбурий захиралар миқдори чегирилган қийматда ҳисобга олинади.

32. Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан, банкка алоқадор шахслар учун таваккалчилик ҳисоб-китобларида балансдан ташқари мажбуриятлар капитал монандилиги ҳисоб-китобларида қўлланилган балансдан ташқари моддаларнинг 10 фоиз ва ундан юқори бўлган ҳисоблаш омили қўлланилгандан сўнг чиққан натижалар олинади.

33. Бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига талаблар;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва давлат органларига банк капитали монандилиги ҳисоб-китобларида таваккалчилик даражаси 0 фоизда бўлган талаблар.

34. Бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан, банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори ҳисоб-китобларида банк таваккалчилик миқдорини тегишли таъминот суммаси (кредит таваккалчилиги миқдоридан ортмаган ҳолда) ҳисобига камайтириши мумкин бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

давлат қимматли қоғозлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банки томонидан таъминланган ёки кафолатланган активлар;

халқаро тараққиёт банклари билан юзага келадиган таваккалчиликлар, шунингдек, ушбу ташкилотлар томонидан кафолатланган банк активлари ва/ёки балансдан ташқари моддалардаги мажбуриятлари;

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банклари кафолати, кафиллиги ёки улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар;

кредитор банкдаги депозитлар ёки депозит сертификатлари.

Банк талаблари ушбу бандда келтирилган таъминот турлари билан тўлиқ миқдорда таъминланмаган бўлса, нормативлар ҳисоб-китобида талабнинг таъминланмаган қисми олинади. Таъминот (гаров) фақатгина талабнинг асосий суммасини тўлаш учун етарли бўлса, фоизлар ва бошқа тўловлар таъминланмаган сумма сифатида олиниши лозим.

35. Банк томонидан қабул қилинувчи мазкур Низомнинг 34-бандида назарда тутилган таъминот турлари қуйидаги шартларни бажариши лозим:

қимматли қоғозлар, банкдаги депозитлар, кафолат ёки кафиллик банк талаби бўйича таъминот сифатида қабул қилинган бўлса, ушбу таъминот муддати тегишли талабни сўндириш муддатидан кам бўлмаслиги;

қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда, шартнома ва (ёки) ўзаро келишувда таъминот предметини амалда реализация қилиш ёки кафолат/кафиллик шартларини бажариш муддатларига доир ҳеч қандай чекловлар бўлмаслиги;

банк-кредиторда жойлашган депозит гаров предмети бўлса, шартно-

ма шартларига биноан қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолатда банкнинг ушбу маблағларни сўзсиз назорат қилиш ва уларни тасарруф эта олиш ҳуқуқи бўлиши. Талаб банкдаги депозитлар билан таъминланган бўлса, депозит кредитни таъминлаш учун махсус ҳисобвараққа киритилиши ҳамда кредит шартномаси ёки бошқа шартномада қарз олувчи томонидан кредит қайтарилмаган ёки мажбуриятларини бажармаган ҳолда банк акцептсиз тартибда депозитни ишлатиши мумкин эканлиги шарт қилиб қўйилиши лозим. Бунда, банк кредитини қайтариш муддати етиб келгунга қадар махсус ҳисобвараққа киритилган депозитдан маблағларни олишга йўл қўймаслик мақсадида зарур чораларни кўриши ва назорат ўрнатиши керак.

36. Кафолат ёки кафиллик мақбул таъминот ҳисобланиши учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларни бажариши лозим:

кафолатловчи (кафил) томонидан тақдим этилган кафолат (кафиллик) ҳужжатлаштирилган мажбурият ҳисобланиши;

банкнинг кафолатловчи ёки кафилдан тўғридан-тўғри талаб қилиш ҳуқуқи бўлиши;

қарз олувчининг банк олдидаги мажбурияти бўйича тақдим этилган кафолат миқдори аниқ белгиланган бўлиши;

кафолат чақириб олинмайдиган ва сўзсиз бўлиши, яъни қарз олувчи кредитга лаёқати ёмонлашиши оқибатида бир томонлама тартибда кафолатловчи (кафил) кафолатни (кафилликни) бекор қилиши, кафолат (кафиллик) қийматини ошириши, кафолат (кафиллик) муддатини қисқартириши, шунингдек, кафолат бўйича маблағларни тўлиқ ёки қисман тўламаслигига имкон яратувчи шартларнинг мавжуд эмаслиги;

қарз олувчи кафолат билан таъминланган мажбуриятларини бажармаган ҳолларда, банк кафолатловчи (кафил)дан кафолат (кафиллик) бўйича тўловни амалга оширишини талаб қилиш ҳуқуқи бўлиши.

37. Бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори ҳисоб-китобларида мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган таваккалчиликлар ва улар бўйича қабул қилинган таъминот валютаси ўзаро мос тушмаса, таъминот миқдори 10 фоизга камайтиради.

5-боб. Якуний қоидалар

38. Ҳар бир банк бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан, банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликлар ҳисобини юритиши ва бу тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда Марказий банкка тақдим этиб бориши лозим.

39. Мазкур Низом кучга кирган санада банкда бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи ҳамда банкка алоқадор шахсларнинг банк олдида тўланмаган мажбурияти мавжуд бўлиб, уларнинг миқдори ушбу Низомда белгиланган меъёрлардан ошадиган бўлса (мазкур Низом кучга киргунга қадар амалда бўлган нормативлар бузилган ҳолатлар бундан мус-

тасно), бундай мажбурият дастлабки шартларда ва муддатларда тўланиши мумкин.

40. Бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига ҳамда банкка алоқадор шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг умумий суммаси битим тузиш вақтида мазкур Низомда кўзда тутилган чекловлар доирасида бўлиб, кейинчалик белгиланган меъёрлардан ошиб борса (банк умумий капитали даражаси тушиши ёки валюта курсининг ўзгариши ва бошқалар сабабли), банк мазкур ҳолат ҳақида Марказий банкни беш иш кунинида хабардор қилиши лозим.

41. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
21 сентябрдаги 21/12-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/15-сон «Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2706, 2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2015 й., 31-сон, 418-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 24 июндаги 14/16-сон «Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2706-1, 2017 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 745-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/13-сон «Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2706-2, 2018 йил 6 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2018 й., 10/18/2706-2/1843-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/10-сон «Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2706-3, 2019 йил 25 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 10/19/2706-3/4196-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил

22 июлдаги 19/16-сон «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2707, 2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 420-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 24 июндаги 14/15-сон «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2707-1, 2017 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 744-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/9-сон «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2707-2, 2018 йил 3 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2018 й., 10/18/2707-2/0989-сон).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/17-сон «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2707-3, 2018 йил 6 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2018 й., 10/18/2707-3/1845-сон).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 16 январдаги 1/6-сон «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2707-4, 2020 йил 21 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.02.2020 й., 10/20/2707-4/0201-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

490 Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3284*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 7-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартириш киритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 13 қ/қ-сон, 29-2019 қ/қ-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3186, 2019 йил 3 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.10.2019 й., 10/19/3186/3847-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Инновацион
ривожланиш вазир

И. АБДУРАХМОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 октябрь,
01-43/4102-сон

Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 октябрь,
422-сон

Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш вазирлиги
ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги
01-43/4102, 422-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари МИҚДОРЛАРИ

(сўм)		
Т/р	Лавозимларнинг номи	2020 йил 1 февралдан бошлаб
1.	Институт директори	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	7 533 212
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	7 201 121
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	6 921 466

Т/р	Лавозимларнинг номи	(сўм) 2020 йил 1 февралдан бошлаб
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	6 816 596
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	6467 027
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонига эга бўлган	5 942 673
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудир	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	6 781 639
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	6 362 156
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	6 169 893
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	6 467 027
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	6 169 893
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	5 715 453
5.	Бош илмий ходим	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	6 467 027

(сўм)		
Т/р	Лавозимларнинг номи	2020 йил 1 февралдан бошлаб
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	6 082 501
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	5 802 845
6.	Етакчи илмий ходим	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган	5 470 755
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	5 121 186
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонга эга бўлган	4 666 746
7.	Катта илмий ходим	
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган	4 771 617
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонга эга бўлган	4 491 962
	илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	4 107 436
8.	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонга эга бўлган	4 212 306
	илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	3 932 651
	илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	3 652 996
9.	Стажёр тадқиқотчи	3 233 513

Изоҳлар:

Фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган бош илмий ходимларнинг маоши фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган бош илмий ходимнинг базавий лавозим маоши даражасида белгиланади.

Илмий-тадқиқот лабораториялари (бўлими) мудирларининг ўринбосарларининг базавий лавозим маоши уларга берилган илмий даражалар ва унвонларга мувофиқ илмий-тадқиқот лабораториялари (бўлими) мудирларининг лавозим маошига нисбатан 5 фоизга камайтирган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида лойиҳалар раҳбарлари лавозимлари ёки шунга ўхшаш лавозимлар назарда тутилган ҳолларда, ушбу лавозимларга илмий-тадқиқот бўлимлари мудирларининг базавий лавозим маошлари белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари қабул қилиниши муносабати билан базавий лавозим маошлари ўзгарган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги қўшма қарори чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2020 йил 1 февралдан илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари томонидан бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг иш ҳақлари қайта ҳисоблаб тўланади.

Мазкур базавий лавозим маошлари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 15 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

491 «Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3104-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 7-банди ижросини бажариш мақсадида **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 10 декабрдаги 442-сон буйруғи (рўйхат рақами 3104, 2018 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 51-сон, 985-модда) билан тасдиқланган Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари мазкур буйруқнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Инновацион
ривожланиш вазири**

И. АБДУРАХМОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 октябрь,
01-43/4097-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
инновацион ривожланиш вазирининг
2020 йил 23 октябрдаги
01-43/4097-сон буйруғига
ИЛОВА

**Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий
фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий
лаборатория ускуналариغا хизмат кўрсатиш вазифалари
юклатилган муҳандис-техник ходимларининг базавий
лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори баробарида
1.	Бош муҳандис	6,35
2.	Бош конструктор, бош технолог	5,63
3.	Етакчи муҳандис, етакчи конструктор, етакчи технолог	
	тегишли фаолият соҳасида камида 5 йилдан кўп бўлган иш стажи мавжуд бўлганда	4,80
	тегишли фаолият соҳасида камида 2 йилдан 5 йилгача иш стажи мавжуд бўлганда	4,52
4.	Олий маълумотли мутахассислар (муҳандислар, конструкторлар, технологлар):	
	тегишли фаолият соҳасида камида 5 йилдан кўп бўлган иш стажи мавжуд бўлганда	3,29
	тегишли фаолият соҳасида камида 2 йилдан 5 йилгача иш стажи мавжуд бўлганда	3,09
	тегишли фаолият соҳасида 2 йилгача иш стажи мавжуд бўлганда	2,83
5.	Ўрта маълумотли мутахассислар (муҳандислар, конструкторлар, технологлар)	
	тегишли фаолият соҳасида камида 5 йилдан кўп бўлган иш стажи мавжуд бўлганда	2,77
	тегишли фаолият соҳасида камида 2 йилдан 5 йилгача иш стажи мавжуд бўлганда	2,60
	тегишли фаолият соҳасида 2 йилдан кам иш стажи мавжуд бўлганда	2,40

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2020 йил 1 февралдан илмий-тадқиқот муассасалари томонидан илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналариغا хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг иш ҳақлари қайта ҳисоблаб тўланади.

Мазкур базавий лавозим маошлари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган.

Келишилди:

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

2020 йил 23 октябрь

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 12 октябрь

**Фанлар академияси
президенти**

Б. ЮЛДАШЕВ

2020 йил 23 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**492 Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг
модуль тизими шароитларида талабалар билимини
назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги
низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2780-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

ҳамда Адлия вазирлигининг 2016 йил 22 апрелдаги 1-2016 ва 4-сон қарори (рўйхат рақами 2780, 2016 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 172-модда) билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 ноябрь,
6-2020-сон

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 ноябрь,
4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Адлия вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги
6-2020, 4-сон қарорига
ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг
модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат
қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон «Ўзбекистон Республикаси юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари билан мувофиқ Тошкент давлат юридик университетида (бундан буён матнда университет деб юритилади) ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонларини белгилайди.».

2. 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Университет томонидан бошқа олий таълим муассасалари билан ташкил этилган қўшма таълим дастурлари доирасида талабалар билимини на-

зорат қилиш ва баҳолаш ҳамда битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш қўшма таълим дастурлари бўйича шартномада назарда тутилган тартибда амалга оширилади.».

3. 4 ва 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасини давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун университетда оралиқ ва якуний назорат турлари ўтказилади.

Ўқув дастурларида белгиланган ҳолларда фақат якуний назорат тури ўтказилиши мумкин.

5. Модулнинг назорат жадваллари, назорат турлари ва шакллари, назоратлар сони ҳамда оралиқ ва якуний назоратлар учун белгиланган максимал ва саралаш баллари тўғрисидаги маълумотлар электрон таълим платформасига ўқув семестри бошланишидан олдин киритилади ҳамда педагог ходим томонидан биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Якуний назорат жадваллари факультет деканатлари томонидан ишлаб чиқилади ва Ўқув-услубий бошқарма томонидан умумлаштирилган ҳолда университет веб-сайтига ҳамда электрон таълим платформасига жойлаштирилади.».

4. 3-боб ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Оралиқ назоратни ўтказиш тартиби (оралиқ назоратни ўтказиш шакли ва муддати, оралиқ назорат саволларига қўйиладиган талаблар, баҳолаш мезонлари) ўқув фанининг хусусиятлари ва унга ажратилган соатлардан келиб чиққан ҳолда тегишли кафедра таклифи асосида факультет деканати билан келишилган ҳолда ўқув йили бошланишидан камида икки ҳафта аввал ўқув дастурларида белгиланади ва университет Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Оралиқ назорат ҳар бир ўқув фанининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда семестр давомида камида бир маротаба ўтказилади.

Оралиқ назорат оғзаки ёки ёзма иш (индивидуал ёки жамоавий иш, презентация, таҳлилий маълумот тайёрлаш) шаклида ўтказилади.

Оралиқ назорат оғзаки шаклда ўтказилганида, ушбу жараён видеоёзувда қайд қилинади.

Оралиқ назорат дарс машғулотларини ўтказган педагог ходим ёки кафедра мудири томонидан уч нафар кафедра аъзоларидан иборат таркибда тузиладиган комиссия томонидан баҳоланади.

Оралиқ назорат учун ҳар бир модуль бўйича жами баллнинг (баҳо фоизининг) 40 фоизигача ажратилишига рухсат этилади.».

6. 13 — 17-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 18-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Оралиқ назорат ёзма иш шаклида ўтказилганида, у талаба томонидан мустақил равишда тайёрланиши ва академик ҳалоллик талабларига риоя этилиши шарт. Академик ҳалоллик талабларини бузилишига, шу жумладан, муаллифликни ўзлаштиришга (плагиат) йўл қўйилмайди. Ёзма ишда қоғоз ёки электрон кўринишда нашр қилинган ўзга матндан олинган манбага ҳеч қандай ҳавола қилмаган ҳолда ишлатиш ёки олинган манбага ҳавола қилин-

ган бўлса-да, лекин ўзлаштиришларнинг ҳажми ва характери талабанинг ёзма ишни ёки унинг асосий қисмини мустақил ёзилганлигига шубҳа уйғотадиган даражада ўзлаштирилган бўлса плагиат деб топилади.».

8. 18¹-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. 19 ва 19¹-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Оралиқ назорат баллари якуний назорат бошланишидан камида икки ҳафта олдин педагог ходим томонидан электрон таълим платформаси тизимига киритилиши зарур.

19¹. I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган талабанинг мазкур Низомда назарда тутилган оралиқ назорат ишларини ёзма шаклда бажариш имконияти мавжуд бўлмаганда, у оралиқ назоратни оғзаки имтиҳон шаклида тегишли модуль ўқитувчисига ёки кафедра мудири 3 нафар кафедра аъзоларидан иборат таркибда тузган комиссияга топширади.».

10. 21 — 26-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Мутахассислик ўқув фанларининг модуллари бўйича якуний назорат семестр якунида университетнинг махсус жиҳозланган аудиторияларида электрон таълим платформаси орқали компьютерда топширилади.

Номутахассислик ўқув фанлари бўйича якуний назорат университетнинг Ўқув-услугий кенгаши томонидан белгиланган шаклда ўтказилиши мумкин.

22. Якуний назорат саволлари, қоида тариқасида, мантиқий саволлар ва муаммоли вазиятларни ёки фақат муаммоли вазиятни (казус, кейс-стадини) ўз ичига олади. Шунингдек, якуний назорат тест шаклида ўтказилиши мумкин. Модуллар бўйича якуний назорат саволларининг мазмуни кафедралар томонидан белгиланади.

Якуний назорат саволлари бўйича баллар миқдори (баҳо фоизи) кафедра тавсиясига асосан университет Ўқув-услугий кенгаши қарори билан тақсимланади.

23. Якуний назорат саволлари тегишли кафедра томонидан тузилади. Саволлар сони кафедра тавсиясига асосан Ўқув-услугий бошқарма томонидан белгиланади.

Саволлар:

талабаларнинг ўтган ўқув йилларида тайёрланган ёзма ишлардан фойдаланиш имкониятини истисно қилиш учун заруратга қўра янгиланиши;

аниқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатмаларига асосланган ва амалиёт билан бевосита боғлиқ бўлиши;

мазмун модуль ўқув дастурига мувофиқ бўлиши;

ўз ичига ўқув дастурининг тегишли бўлимларини тўлиқ қамраб олувчи материалларни мужассам қилган бўлиши;

талабаларнинг модулни ўзлаштириш даражасини, таҳлил қилиш кўникмаларини, мустақил фикрлаш ва келажакдаги касбий фаолиятларида мустақил қарорлар қабул қилиш қобилиятларини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим.

24. Кафедра мудири ўқув семестрининг тўртинчи ҳафтаси бошланишидан кечикмаган ҳолда якуний назорат саволларини факультет деканатига тақдим қилинишини таъминлаши шарт. Факультет деканати саволларни ўқув

дастурида белгиланган талабларга мувофиқлигини текширган ҳолда етти иш куни ичида Ўқув-услубий бошқармага тақдим қилади.

Ўқув-услубий бошқарма Таълим сифатини назорат қилиш бўлими билан биргаликда якуний назорат саволларини олган кундан бошлаб икки ҳафта давомида уларнинг ўқув дастурига мос ёки мос эмаслиги нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказади. Экспертизадан ўтказилган якуний назорат саволлари Ўқув-услубий бошқарма томонидан тегишли модуллар бўйича якуний назорат саволлари ягона базасига киритилади. Якуний назорат саволлари ягона базаси ҳар йили тақдим қилинадиган якуний назорат саволлари ҳисобига кенгайиб боради. Университет якуний назорат саволлари ягона базасидан талабалар ва педагог ходимларнинг фойдаланишига имконият яратилишини таъминлайди.

25. Якуний назорат саволлари ягона базасида мавжуд саволлар асосида электрон таълим платформасида автоматик равишда якуний назорат саволлари шакллантирилади.

26. Якуний назорат факультет деканлари тавсиясига кўра ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқладиган, кафедраларнинг педагог ходимлари орасидан тайинладиган аудитория раҳбари ва кузатувчилар томонидан ўтказилади. Якуний назоратни ўтказишда ректор томонидан тайинланган университетнинг бошқа ходимлари ҳам қатнашади.».

11. 27-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Якуний назорат олиб бориш жараёни, қоида тариқасида, видеоёзувда қайд қилинади. Ўқув-услубий бошқарма ва Таълим сифатини назорат қилиш бўлими ходимлари видеокузатув воситаси орқали якуний назорат ўтказиш жараёнини кузатади.».

12. 29 — 31-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Имтиҳон жадвалида белгиланган якуний назорат вақти бошлангандан сўнг келган талабалар унда иштирок этишга қўйилмайди.

30. Якуний назорат ўтказилаётган аудиторияга аудитория раҳбари ва кузатувчилардан бошқа шахсларнинг кириши қатъиян тақиқланади. Якуний назорат ўтказиш жараёни ректор, ўқув ишлари бўйича проректор ҳамда Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосари, Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, шунингдек, деканлар томонидан назорат қилиб турилиши мумкин.

31. Аудитория раҳбари ва кузатувчилар якуний назорат ўтказишда қуйидагиларга мажбур:

талабаларни якуний назорат бошланишидан аввал уни ўтказиш тартиби ва давом этиш вақти ҳақида хабардор қилиш;

талабаларнинг мобиль телефонларини ўчиришлари ва топширишларини таъминлаш;

талабаларга якуний назорат давомида фойдаланиш тақиқланган барча предметларни кузатувчиларга ўз ихтиёрлари билан топширишларини тақриф этиш;

талабаларни аудиторияда бир-бирларидан кўчиришлари учун имкон бўлмайдиган ҳолда жойлаштириш;

якуний назорат ўтказилаётган тўлиқ вақт давомида тартибга лозим даражада риоя қилинишини таъминлаш;

зарур бўлганда талабаларга қайд этилган ноаниқликлар, техник хатолар ёки топшириқни бажаришга қўйиладиган махсус талаблар ҳақида маълумот бериш;

якуний назорат ўтказиш қоидаларини бузган талабаларни тегишли далолатнома тузган ҳолда имтиҳондан четлаштириш.».

13. 33 ва 34-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Талаба якуний назорат ўтказиладиган аудиторияда ўзи учун ажратилган компьютерга фамилияси, исми, шарифи, курси, гуруҳи ва бошқа тегишли маълумотларни киритади.

Тегисли маълумотлар киритилганидан кейин компьютер мониторида якуний назорат саволлари чиқади.

Имтиҳон ўтказиш вақтида талабаларнинг якуний назорат саволларининг мазмуни тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилмайди.

34. Якуний назорат талаба томонидан мустақил равишда бажарилиши шарт.

Ишни текшириш вақтида икки ёки ундан ортиқ (иш мазмунининг 2/3 дан ортиғи) ўхшаш ишлар талабанинг кўчирганлиги ҳолатига асос бўлади ва талабаларга ноль рейтинг балл қўйилади.

Шифрланган ишни баҳолашнинг объективлигига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда, шу жумладан, сўзнинг устига ёки тагига чизиш ёхуд атрофини чизиб қўйиш, ишда текширувчи шахс номига мурожаатнинг мавжуд бўлиши, матннинг турли қисмларига (шу жумладан, очиқ қолдирилган жойларига) график белгилар қўйиш, иш матнида талабанинг фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатиш ҳолатлари мавжуд бўлганда, иш учун ноль рейтинг бали қўйилади.

Якуний назоратга талаба ўрнига бошқа шахс кирган ҳолатлар аниқланганда, талабага ноль рейтинг бали қўйилиб, қоидабузарлар аудиториядан чиқариб юборилади.».

14. 35 ва 36-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

15. 37¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37¹. I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган талабанинг мазкур Низомда назарда тutilган якуний назорат ишларини компьютерда бажариш имконияти мавжуд бўлмаганда у якуний назорат даври бошланишидан камида икки ҳафта олдин ўқув ишлари бўйича проректорга мурожаат қилади. Бунда талаба ҳақиқатан ҳам соғлигининг ҳолати ёзиш имкониятини истисно қилишни тасдиқловчи тиббий маълумотнома ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг хулосасини тақдим этиши лозим. Ушбу талаба якуний назоратни оғзаки имтиҳон шаклида комиссияга топширади.

Соғлигининг ҳолати компьютерда ишлаш имкониятини истисно қиладиган талабалардан оғзаки имтиҳонларни қабул қилувчи университетнинг профессор-ўқитувчилар таркибидан иборат комиссия ректор буйруғи билан тузилади. Комиссия таркиби ҳар ўқув йили учун бир маротаба тасдиқланади. Комиссия унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Комиссия томонидан қўйилган баҳо баённома билан расмийлаштирилади.».

16. 38-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Якуний назоратни ўтказишда баҳоларнинг холислигини таъминлаш мақсадида талабалар томонидан бажарилган ишлар электрон таълим платформаси томонидан автоматик равишда идентификация кодлари бериш йўли билан шифрланади.».

17. 39-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

18. 40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Ўқув-услубий бошқарма электрон таълим платформасига ўқув юкламасидан келиб чиқиб модуллар бўйича якуний назорат ишларини текшириши мумкин бўлган педагог ходимлар рўйхатини киритади.

Электрон таълим платформаси томонидан идентификация кодлари бериш йўли билан шифрланган ишлар автоматик равишда тегишли педагог ходимларга текшириш учун юборилади.

Ишларни текшириш муддатлари Ўқув-услубий бошқарма тавсияси асосида ўқув ишлари бўйича проректор томонидан белгиланади.».

19. 42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Якуний назорат ишларини текшириш натижалари (баҳо) ишни текширган педагог ходим томонидан баҳони асослантирувчи тақриз билан биргаликда дарҳол электрон таълим платформасига киритилади.».

20. 43-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

21. 44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Кафедранинг якуний назорат ишларини текширишда иштирок этган педагог ходимлари томонидан ўқув машғулотлари вақтида талабалар учун якуний назорат ишларида кўп учраган хатолар тўғрисида тушунтириш берилади, шунингдек, мазкур хатолар умумлаштирилиб, талабаларга ахборот хизмати орқали етказилади.».

22. 45-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

23. 46 ва 47-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. Ўқув-услубий бошқарма томонидан оралиқ ва якуний назорат натижалари асосида электрон таълим платформасида талабаларнинг фамилияси, исми, отасининг исми идентификация қилинган ҳолда жамловчи электрон рейтинг қайдномаси шакллантирилади.

Жамловчи электрон рейтинг қайдномасида нотўғри қайд қилинган ҳоллар аниқланганда, электрон таълим платформасига ишларни текшириш ва баҳоларни киритишга масъул бўлган педагог ходим жавобгар бўлади.

Агар оралиқ ва якуний назорат ишлари натижаси жамловчи рейтинг қайдномасида нотўғри акс эттирилган бўлса, Ўқув-услубий бошқарманинг жамловчи рейтинг қайдномасини тузишга масъул бўлган ходими, шунингдек, Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи жавобгар бўлади.

Оралиқ ва якуний назорат ишлари рейтинг қайдномасида тўғри акс этишини мониторинг қилиш учун Ўқув-услубий кенгаш ўз қарори билан жамловчи рейтинг қайдномасини ҳақиқий балларга мос келишини қайта текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Оралиқ ва якуний назорат топшириш рейтинг қайдномасининг ҳамда

якуний жамловчи рейтинг қайдномасининг шакллари Ўқув-услубий кенгаш томонидан тасдиқланган намуна бўйича тузилади.

47. Оралиқ ва якуний назорат ишларини баҳолашнинг холислигини таъминлаш мақсадида Ўқув-услубий бошқарма ва Таълим сифатини назорат қилиш бўлими ёзма ишларнинг тасодифий танланган ҳолда қайта текширилишини ташкил қилади. Бу мақсадда ушбу ҳуқуқ соҳасига ёки фанга алоқадор бўлган Университет педагог ходимлари жалб қилинади ва улар баҳолаш мезонлари асосида талабаларга қўйилган оралиқ ва якуний назоратлар рейтинг балларининг холислигини аниқлайди.»

24. 49 — 54-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. Талабалар назорат турлари бўйича олган баҳоларини ҳамда педагог ходим томонидан ёзилган тақризларни электрон таълим платформаси орқали кузатиб боради.

Оралиқ назорат бўйича қўйилган баллдан норози бўлган талабалар баҳо эълон қилингандан бошлаб бир иш кунини давомида электрон таълим платформаси орқали апелляция шикоятини беришлари мумкин.

Оралиқ назорат ишлари бўйича апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун тегишли кафедра мудири томонидан кафедра профессор-ўқитувчилари таркибидан камида учта аъзодан иборат апелляция комиссияси тузилади.

Оралиқ назорат ишлари бўйича апелляция шикоятлари апелляция комиссияси томонидан шикоят берилган кундан бошлаб уч иш кунини ичида кўриб чиқилади.

Якуний назорат бўйича қўйилган баллдан норози бўлган талабалар баҳо эълон қилингандан бошлаб бир иш кунини давомида электрон таълим платформаси орқали апелляция шикоятини беришлари мумкин.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш учун факультет декани билдиргисига асосан ректор буйруғи билан университет профессор-ўқитувчилари таркибидан камида еттита аъзодан иборат апелляция комиссияси тузилади.

Якуний назорат ишлари бўйича апелляция шикоятлари апелляция комиссияси томонидан барча модуллар бўйича якуний назорат баҳолари эълон қилингандан бошлаб ўн кун давомида кўриб чиқилади.

Апелляция комиссиялари аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссияларининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва унда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Талабанинг апелляция шикоятини апелляция комиссияларида зарурат бўлганда ушбу назорат тури бўйича баллар қўйган педагог ходимнинг иштирокида кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятини кўриб чиқишда апелляция комиссиялари назорат ишларини ҳар томонлама ўрганади.

Талабанинг апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляция комиссиялари қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

қўйилган балларни ўзгаришсиз қолдириш;

қўйилган балларни ўзгартириш.

Талабанинг апелляция шикоятини кўришда унинг илгари олган рейтинг балини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

50. Текширилган оралиқ ва якуний назорат ёзма ишлари электрон таълим платформасида олти ой мобайнида сақланади. Оралиқ ва якуний назорат ёзма ишлари ҳужжатлар йиғмажилдларига киритилмайди ва алоҳида сақланиши талаб этиладиган ҳужжат ҳисобланмайди. Оралиқ ва якуний ёзма ишлар олти ойлик муддат ўтганидан сўнг электрон тизимдан ўчириб ташланади.

51. Талабанинг ҳар бир модуль бўйича ўзлаштириш даражаси талабаларнинг билим, малака ва қўникмаларини баҳолаш Европа кредит трансфер тизими (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS) асосан мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ амалга оширилади.

52. Талабанинг ўқув семестри мобайнидаги ҳар бир модуль бўйича ўзлаштириши 100 баллик тизим асосида бутун сонлар билан баҳоланади. 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

оралиқ назоратга модуль бўйича тўпланиши мумкин бўлган максимал баллнинг — 40 фоиз (40 балл) гача;

якуний назоратга модуль бўйича тўпланиши мумкин бўлган максимал баллнинг оралиқ назоратга ажратилган қисмидан қолган қисмда, оралиқ назорати белгиланмаган тақдирда 100 фоиз (100 балл) гача ажратилади.

53. Электрон таълим платформасида алоҳида баҳоланадиган курс иши (лойиҳа, жадвал-ҳисоблаш иши), амалиёт (стажировка), якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши, шунингдек, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш ушбу Низомнинг иловасида белгиланган мезонлар бўйича баҳоланади.

54. Талабанинг модуль бўйича ўзлаштиришини баҳолашда қуйидаги намунавий мезонлардан (бундан буён матнда намунавий мезонлар деб юритилади) келиб чиқиш тавсия этилади:

а) «А», «А-» аъло баҳо (86 — 100 фоиз) олиш учун талаба:

ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

илмий терминологиядан (шу жумладан, хорижий тилда ҳам) аниқ фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;

муаммоли саволларни аниқлаши, ўз ҳуқуқий позициясини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;

модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллаш олиши;

ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;

амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;

модуль ўқув дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;

ўрганилаётган модуль бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллаш олиши;

семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;

б) «В+», «В», «В-» яхши баҳо (71 — 85 фоиз) олиш учун талаба:

ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

илмий терминологиядан (шу жумладан, хорижий тилда ҳам) аниқ фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;

ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;

модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;

стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;

амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намоиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бунда бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаслиги;

модуль ўқув дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;

ўрганилаётган модуль бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;

бутун модулни ўзлаштириш давомида семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;

в) «С+», «С», «С-» қониқарли баҳо (55 — 70 фоиз) олиш учун талаба: давлат таълим стандартлари доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши; илмий терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;

жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намоиш қилишда қийналганда, модуль ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намоиш этиши;

модулнинг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;

педагог ходим раҳбарлигида стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал эта олиши;

ўқиётган модуль бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;

семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;

г) талабанинг билим даражаси «D» қониқарсиз баҳо билан (50 — 55 фоизгача) баҳоланади, агар:

давлат таълим стандартлари доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;

илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантикий хатоларга йўл қўйса;

семинар, амалий ва лаборатория машғулотида пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса;

д) талаба ўзлаштириши қўйидаги ҳолларда билим даражаси «F» (0 — 49 фоизгача) баҳога баҳоланади, агар:

тегишли модуль бўйича билимларга эга бўлмаса;

амалий кўникмаларга эга бўлмаса, хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.

Модуль хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир модул бўйича баҳолаш мезонлари кафедра томонидан аниқлаштирилган тартибда ишлаб чиқилади ҳамда тегишли модулнинг дастурига киритилиб, Ўқув-услубий кенгаш томонидан тасдиқланади.»

25. 55-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

26. 59-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«59. Якуний назорат жадваллари якуний назорат бошланишидан камида бир ҳафта олдин ўқув режа асосида факультет деканлари томонидан ишлаб чиқилади, Ўқув-услубий бошқарма томонидан умумлаштирилади ҳамда ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

Талаба белгиланган тартибда электрон таълим платформаси орқали оралиқ ва якуний назорат иш натижаларини мустақил равишда билиб боришга мажбурдир.»

27. 60-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

28. 61 — 63-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«61. Ўқув машғулотида касаллиги ёки бошқа ҳужжат билан тасдиқланган узрли сабаблар туфайли (йўл-транспорт ҳодисаси, яқин қариндошининг вафоти, никоҳ тузилиши, фарзанд туғилиши) иштирок этмаган ва шу сабабли оралиқ ёки якуний назоратни белгиланган муддатда топширмаган талабага ўқув ишлари бўйича проректор билан келишилган ҳолда факультет декани томонидан қайта ўзлаштириш учун академ қарздорлар учун бериладиган бир ойлик муддатда оралиқ ёки якуний назоратни топширишга рухсат берилади.

62. Талабаларнинг ўзлаштирамаган модулларни қайта топшириши, модулни қайта ўзлаштириш шартлари, бир курсда кредитларни тўплашнинг минимал ва максимал миқдорлари, курсдан курсга ўтказиш масалалари университет Кенгаши томонидан белгиланади.

63. Талабаларга стипендия тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.»

29. 64 — 68-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

30. 71 — 73-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«71. Ҳар бир факультет талабаларининг назорат турлари бўйича эришган натижалари факультет деканати томонидан Ўқув-услубий бошқарма билан ҳамкорликда тизимли равишда таҳлил қилинади ва Ўқув-услубий кенгашда муҳокама қилиш учун киритилади.

72. Оралиқ ва якуний назорат ишларининг натижалари Ўқув-услугий кенгашда ва заруратга кўра, университет Кенгашида мунтазам равишда муҳокама қилинади ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади.
73. Ўқув йилининг якуни бўйича тўпланган кредитлар миқдорига кўра талабаларни белгиланган тартибда кейинги курсга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.».
31. 1 — 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.
32. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ тахрир-даги илова билан тўлдирилсин.

Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Талабанинг ҳар бир модуль бўйича ўзлаштириш даражасини Европа кредит трансфер тизими (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS) асосида
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Баҳо	Баллда ифодаланиши	Тавсифи
A	100 — 93	Аъло
A-	92 — 86	
B+	85 — 82	Яхши
B	81 — 77	
B-	76 — 71	
C+	70 — 67	Қониқарли
C	66 — 60	
C-	59 — 56	
D	55 — 50	Қониқарсиз
F	49 — 0	

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

493 Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимча-
лар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-5*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги ПФ–6005-сон «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сон қарори (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 133-модда) билан тасдиқланган Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 сентябрь,
01-02/15-48-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил
30 сентябрдаги 01-02/15-48-сон қарорига
ИЛОВА

**Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 8-банднинг иккинчи хатбошиси «дозасини,» деган сўздан кейин «концентрациясини, кадоқдаги микдорини, кадоқлар сонини,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 12-банддан олтинчи — тўққизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

3. 22-бандда:

а) 2-кичик бандда:

қуйидаги мазмундаги йигирма саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«устав капиталида давлат улуши бўлган ташкилот бўлса — «00000003»
коди;»;

йигирма саккизинчи — ўттиз иккинчи хатбошилар тегишли равишда
йигирма тўққизинчи — ўттиз учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўттиз биринчи хатбошидаги «йигирма олтинчи — йигирма тўққизинчи»
деган сўзлар «йигирма олтинчи — ўттизинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) 6-кичик бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электрон БЮДа қабул қилувчи, товарни қабул қилиб олиш тўғрисида
топшириқ берган шахс (БЮДнинг 9-графасидаги шахс билан ташқи савдо
контрактини (шартномасини, келишувини) тузган шахс) ва товарнинг кузатув
ҳужжатларида кўрсатилган бошқа шахслар ҳақидаги маълумотларнинг ҳар
бири алоҳида ажратилган майдончада кўрсатилади.»;

ўн еттинчи хатбоши ўн саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 7-кичик бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«устав капиталида давлат улуши бўлган ташкилот бўлса — «00000003»
коди;»;

олтинчи — ўнинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўн биринчи
хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошидаги «еттинчи» деган сўз «саккизинчи» деган сўз
билан алмаштирилсин;

г) 8-кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг чап бўлмасида савдо қилинаётган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари
таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади.»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мамлакат ёки ҳудуд Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валю-

та операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2467, 2013 йил 12 июнь) билан тасдиқланган Имтиёзли солиқ режими бериладиган ва (ёки) молиявий операциялар амалга оширилганда ошкор этиш ва ахборот бериш назарда тутилмайдиган давлат ва ҳудудлар (оффшор ҳудудлар) рўйхатига киритилган бўлса, графанинг ўнг бўлмасида «1» коди кўрсатилади. Агар мамлакат ёки ҳудуд мазкур хатбошида назарда тутилган Рўйхатга киритилган бўлмаса, графанинг ўнг бўлмасида «2» коди кўрсатилади.»;

д) 16-кичик бандда:

бешинчи — ўн саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг учинчи бўлмасида ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) шартларига мувофиқ БЮД асосида экспорт қилинаётган товарлар учун қўлланиладиган ҳисоб-китоблар шаклининг икки рақамли коди, сўнгра «/» белгисидан кейин товарларни жўнатиш шаклининг икки рақамли коди кўрсатилади (электрон БЮДда ҳар бир код алоҳида ажратилган майдонда кўрсатилади).

Экспорт қилинаётган товарлар учун ҳисоб-китоблар шаклининг икки рақамли коди қуйидаги тартибда кўрсатилади:

«10» — олдиндан тўлов;

«20» — аккредитив;

«30» — банк кафолати;

«40» — экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат хавфларидан сугурталаш полиси;

«50» — экспорт факти бўйича;

«60» — консигнация бўйича;

«70» — бартер операцияси;

«80» — беғараз (тўловсиз) асосда етказиб бериш.

Ҳисоб-китобларнинг аралаш шакллари қўлланган ҳолларда графада мутлақ ифодада устунликка эга бўлган ҳисоб-китоб шакли кўрсатилади.

Товарларни жўнатиш шаклининг икки рақамли коди қуйидаги тартибда кўрсатилади:

«01» — товар тўғридан-тўғри шартнома (битим, келишув) тузувчи шахс манзилига жўнатилаётган бўлса;

«02» — товар тўғридан-тўғри шартнома (битим, келишув) тузувчи шахс манзилига жўнатилмаётган ҳолларда;»;

ўн тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

е) 26-кичик бандда:

тўртинчи хатбошидаги «Электрон БЮДда товарнинг маркаси ва брендининг номи алоҳида ажратилган майдончада ҳам кўрсатилади» деган сўзлар «Электрон БЮДда товарнинг маркаси ва брендининг номи алоҳида ажратилган майдончада ҳам кўрсатилади (товар маркаси ёки брендининг номи мавжуд бўлмаган ҳолларда «маркасиз», «брендсиз» деб кўрсатилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сочилган, уюмланган, қўйилган ҳолатда ўрамсиз олиб ўтиладиган товарлар учун қўйидаги кодлардан бири қайд этилади:»;

қўйидаги мазмундаги ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«01» — сочилган ҳолда;

«02» — уюмланган ҳолда;

«03» — қўйилган ҳолда.»;

ўнинчи — йигирманчи хатбошилар тегишли равишда ўн учинчи — йигирма учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги ўн олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электрон БЮДда товарга оид маълумотлар электрон БЮДнинг формати ва тузилишига асосан алоҳида ажратилган майдончада ҳам кўрсатилади.»;

ўн олтинчи — йигирма учинчи хатбошилар тегишли равишда ўн еттинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ж) 45-кичик банднинг учинчи — бешинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Такдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар ...» деб ёзилгандан сўнг БЮДни тўлдиришга асос бўлиб хизмат қилувчи такдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларга жавобгар ҳисобланган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, телефон рақами (мавжуд бўлса) ва СТИРи (электрон БЮДда алоҳида майдонда) кўрсатилади (қоғоз шаклдаги БЮДда унинг шахсий имзоси қўйилади).

Такдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар этиб декларант ёки у ишонч билдирган шахс белгиланади.

Агар такдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар декларант ишонч билдирган шахс бўлса, унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг (шартноманинг, ишончноманинг) рақами, санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади.».

4. 25-бандда:

а) 2-кичик бандда:

қўйидаги мазмундаги ўн еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электрон БЮДда жўнатувчи, товарни жўнатиш тўғрисида топширик берган шахс (БЮДнинг 9-графасида кўрсатилган шахс билан ташқи савдо контрактини (шартномасини, келишувини) тузган шахс) ва товарнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган бошқа шахслар ҳақидаги маълумотларнинг ҳар бири алоҳида ажратилган майдончада кўрсатилади.»;

ўн еттинчи хатбоши ўн саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 6-кичик бандда:

қўйидаги мазмундаги йигирма еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«устав капиталида давлат улуши бўлган ташкилот бўлса — «00000003» коди;»;

йигирма еттинчи — ўттиз биринчи хатбошилар тегишли равишда йигирма саккизинчи — ўттиз иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўттизинчи хатбошидаги «йигирма тўртинчи — йигирма еттинчи» деган

сўзлар «йигирма тўртинчи — йигирма саккизинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 7-кичик бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«устав капиталида давлат улуши бўлган ташкилот бўлса — «00000003» коди;»;

олтинчи — ўнинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мазкур кичик банднинг тўртинчи — саккизинчи хатбошиларида кўрсатилмаган шахслар бўлса, маълумот кўрсатилмайди.»;

г) 8-кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг чап бўлмасида савдо қилинаётган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади.»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мамлакат ёки ҳудуд Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2467, 2013 йил 12 июнь) билан тасдиқланган Имтиёзли солиқ режими бериладиган ва (ёки) молиявий операциялар амалга оширилганда ошкор этиш ва ахборот бериш назарда тутилмайдиган давлат ва ҳудудлар (оффшор ҳудудлар) рўйхатига киритилган бўлса, графанинг ўнг бўлмасида «1» коди кўрсатилади. Агар мамлакат ёки ҳудуд мазкур хатбошида назарда тутилган Рўйхатга киритилган бўлмаса, графанинг ўнг бўлмасида «2» коди кўрсатилади.»;

д) 16-кичик бандда:

бешинчи — еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Графанинг учинчи бўлмасида ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) шартларига мувофиқ БЮД асосида импорт қилинаётган товарлар учун қўлланиладиган ҳисоб-китоблар шаклининг икки рақамли коди, сўнгра «/» белгисидан кейин товарларни жўнатиш шаклининг икки рақамли коди кўрсатилади (электрон БЮДда ҳар бир код алоҳида ажратилган майдонда кўрсатилади).

Импорт қилинаётган товарлар учун ҳисоб-китоблар шаклининг икки рақамли коди қуйидаги тартибда кўрсатилади:

«10» — олдиндан тўлов;

«20» — аккредитив;

«30» — банк кафолати;

«40» — инкассо;

«50» — импорт факти бўйича;

«60» — консигнация бўйича;

«70» — бартер операцияси;

«80» — беғараз (тўловсиз) асосда етказиб бериш.

Ҳисоб-китобларнинг аралаш шакллари қўлланган ҳолларда графада мутлақ ифодада устунликка эга бўлган ҳисоб-китоб шакли кўрсатилади.

Товарларни жўнатиш шаклининг икки рақамли коди қуйидаги тартибда кўрсатилади:

«01» — товар тўғридан-тўғри шартнома (битим, келишув) тузувчи шахс томонидан жўнатилаётган бўлса;

«02» — товар тўғридан-тўғри шартнома (битим, келишув) тузувчи шахс томонидан жўнатилмаётган ҳолларда;»;

е) 26-кичик бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«электрон БЮДда товарнинг маркаси ва брендининг номи, энергия самарадорлиги классификациясидаги маълумот алоҳида ажратилган майдончада ҳам кўрсатилади (товар маркаси ёки брендининг номи мавжуд бўлмаган ҳолларда «маркасиз», «брендсиз» деб кўрсатилади);»;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сочилган, уюмланган, қуйилган ҳолатда ўрамсиз олиб ўтиладиган товарлар учун қуйидаги кодлардан бири қайд этилади:»;

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи — ўн учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«01» — сочилган ҳолда;

«02» — уюмланган ҳолда;

«03» — қуйилган ҳолда.»;

ўн биринчи — ўттиз бешинчи хатбошилар тегишли равишда ўн тўртинчи — ўттиз саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўттиз учинчи — ўттиз олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«11 рақами остида қуйидаги кодлар кўрсатилади:

«01» — импорт қилинаётган товар давлат харидлари доирасида бўлса;

«02» — импорт қилинаётган товар давлат харидлари доирасида бўлмаса.

Товарларнинг бир қисми давлат харидларига алоқадор бўлмаган ҳолларда улар алоҳида товар сифатида декларацияланади.»;

ўттиз учинчи — ўттиз саккизинчи хатбошилар тегишли равишда ўттиз еттинчи — қирқ иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўттиз еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электрон БЮДда товарга оид маълумотлар БЮДнинг формати ва тузилишидан келиб чиқиб, алоҳида ажратилган майдончада ҳам кўрсатилади.»;

ўттиз еттинчи — қирқ иккинчи хатбошилар тегишли равишда ўттиз саккизинчи — қирқ учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ж) 45-кичик банднинг учинчи — бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар ...» деб ёзилгандан сўнг БЮДни тўлдиришга асос бўлиб хизмат қилувчи тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларга жавобгар ҳисобланган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, телефон рақами (мавжуд бўлса)

ва СТИРи (электрон БЮДда алоҳида майдонда) кўрсатилади (қоғоз шаклдаги БЮДда унинг шахсий имзоси қўйилади).

Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар этиб декларант ёки у ишонч билдирган шахс белгиланади.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар декларант ишонч билдирган шахс бўлса, унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг (шартноманинг, ишончноманинг) рақами, санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади.».

5. 42-банднинг 1-кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«905 тартиб рақами остида товарларни вақтинчалик сақлаш божхона режимида сақланиши сабабларига оид қуйидаги кодлардан бири кўрсатилади:

«001» — агар товарнинг сақланиш сабаби тегишли сертификат олиш билан боғлиқ бўлса;

«002» — агар товарнинг сақланиш сабаби тегишли рухсатнома ва лицензия олиш билан боғлиқ бўлса;

«003» — агар товарнинг сақланиш сабаби божхона тўловлари бўйича имтиёз олиш билан боғлиқ бўлса;

«004» — агар товарнинг сақланиш сабаби тегишли шартнома билан боғлиқ бўлса;

«005» — агар товарнинг сақланиш сабаби молиявий маблағ йўқлиги билан боғлиқ бўлса;

«006» — агар товарнинг сақланиш сабаби кейинчалик товарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қайтариб олиб чиқиб кетилиши кутилаётганлиги билан боғлиқ бўлса;

«007» — агар товарнинг сақланиш сабаби товарни бошқа шахсга ўтказилиши кутилаётганлиги билан боғлиқ бўлса;

«008» — агар товарнинг сақланиш сабаби товарга нисбатан тақиқ қўйилганлиги билан боғлиқ бўлса;».

6. 45-банднинг 1-кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«905 тартиб рақами остида товарни божхона омбори божхона режими остида сақланиши сабабларига оид қуйидаги кодлардан бири кўрсатилади:

«001» — агар товарнинг сақланиш сабаби тегишли сертификат олиш билан боғлиқ бўлса;

«002» — агар товарнинг сақланиш сабаби тегишли рухсатнома ва лицензия олиш билан боғлиқ бўлса;

«003» — агар товарнинг сақланиш сабаби божхона тўловлари бўйича имтиёз олиш билан боғлиқ бўлса;

«004» — агар товарнинг сақланиш сабаби тегишли шартнома билан боғлиқ бўлса;

«005» — агар товарнинг сақланиш сабаби молиявий маблағ йўқлиги билан боғлиқ бўлса;

«006» — агар товарнинг сақланиш сабаби кейинчалик товарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қайтариб олиб чиқиб кетилиши кутилаётганлиги билан боғлиқ бўлса;

«007» — агар товарнинг сақланиш сабаби товарни бошқа шахсга ўтказилиши кутилаётганлиги билан боғлиқ бўлса;

«008» — агар товарнинг сақланиш сабаби товарга нисбатан тақиқ қўйилганлиги билан боғлиқ бўлса;».

7. Қўйидаги мазмундаги 19¹-боб билан тўлдирилсин:

«19¹-боб. Тўлиқ бўлмаган БЮД

88¹. Шартли чиқариб юбориладиган товарларнинг тўлиқ бўлмаган БЮДни қўллаган ҳолда божхона расмийлаштируви икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда божхона постига тўлиқ бўлмаган БЮД тақдим этилади;

иккинчи босқичда божхона постига тўлиқ БЮД тақдим этилади.

88². Тўлиқ бўлмаган БЮД мазкур Йўриқноманинг 5-боби талабларига мувофиқ тўлдирилади. Бунда қўйидаги графаларнинг тўлдирилиши қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида «НД» ҳарфли коди қўйилади.

Графанинг иккинчи бўлмасида Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади.

Графанинг учинчи бўлмаси тўлдирилмайди;

2) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графада қўйидаги мазмундаги ёзув ёзилади:

Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар ...» деб ёзилгандан сўнг БЮДни тўлдиришга асос бўлиб хизмат қилувчи тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларга жавобгар ҳисобланган шахснинг ҳамда тўлиқ БЮДни тақдим этиш мажбурияти юклатилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, телефон рақами (мавжуд бўлса) ва СТИРи (электрон БЮДда алоҳида майдонда) кўрсатилади (қоғоз шаклдаги БЮДда унинг шахсий имзоси қўйилади). Графада қўшимча равишда қўйидаги мазмундаги ёзув ёзилади: «Тўлиқ БЮДни ХХ.ХХ.ХХХХгача тақдим этиш мажбуриятини оламан», бунда ХХ.ХХ.ХХХХ тегишлича кун, ой, йилни англатади.

Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар этиб декларант ёки у ишонч билдирган шахс белгиланади.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар декларант ишонч билдирган шахс бўлса, унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг (шартноманинг, ишончноманинг) рақами, санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади.

88³. Тўлиқ бўлмаган БЮД бўйича тақдим этилган тўлиқ БЮД мазкур Йўриқноманинг 5-боби талабларига мувофиқ тўлдирилади. Бунда, БЮДнинг 1-графаси қўйидаги тартибда тўлдирилади:

1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади — «ИМ».

Графанинг иккинчи бўлмасида Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади.

Графанинг учинчи бўлмасида «ПНД» ҳарfli коди кўрсатилади.

88⁴. Тўлиқ бўлмаган БЮД бўйича тақдим этилган тўлиқ БЮДга тўлиқ бўлмаган БЮДга берилган рўйхат рақами берилади.».

8. 89-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«89. Божхона органи томонидан БЮДнинг 7, 44, 47, «А» (фақатгина қоғоз шаклдаги БЮДнинг қўшимча варақларида), «В» (фақат электрон шаклдаги БЮДда) ва «Д» графалари тўлдирилади.».

9. 90-банд қуйидаги мазмундаги 41-кичик банд билан тўлдирилсин:

«4¹) «В» графа. «Ҳисоб-китоб тафсилотлари».

Графада Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ тўлов коди, мазкур код бўйича ушбу БЮД билан декларацияланаётган барча товарларга оид тўловларнинг йиғиндисидан иборат бўлган тўловларнинг умумий суммаси кўрсатилади.

Божхона тўловларидан озод этилган ҳолатда графада қўшимча равишда Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ тўлов коди, мазкур код бўйича ушбу БЮД билан декларацияланаётган барча товарларга оид тўловларнинг йиғиндисидан иборат бўлган божхона тўловлари бўйича ҳисобланган имтиёзларнинг умумий суммаси кўрсатилади ва «тўланмайди» белгиси қўйилади;».

10. 12-иловада:

а) 11 ва 12-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

11.	Шартнома тузувчи шахснинг инвойси (ҳисоб, ҳисоб-фактура)	220	ИНВ
12.	Шартнома тузувчи шахснинг проформа-инвойси, ҳисоб-проформаси	221	ИНВПРФ

»;

б) қуйидаги мазмундаги 13¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

13 ¹ .	Жўнатувчи ёки бошқа алоқадор шахснинг инвойси (ҳисоб, ҳисоб-фактура, муқобил ҳужжат)	223	ИНВ_ОТ
-------------------	--	-----	--------

»;

в) 41-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

41.	Контракт Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки хулоса	503	PerЦМЭП
-----	--	-----	---------

»;

г) 69⁷-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«

69 ⁷ .	Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатининг комплекс экспертизаси якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг ижобий хулосаси рақами ва санаси ҳамда декларацияланаётган товарнинг хулосадаги тартиб рақами	857	ЗМЭП
-------------------	--	-----	------

»;

д) қуйидаги мазмундаги 75-позиция билан тўлдирилсин:
«

75.	Товарларнинг вақтинчалик сақлаш ва бојхона омбори режимлари остида сақланиш сабаблари	905	ПХС
-----	---	-----	-----

»;

е) изоҳда:
биринчи хатбошидан «(12-илова)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
учинчи хатбошидаги «йигирманчи — йигирма иккинчи хатбошиларида» деган сўзлар «йигирма учинчи — йигирма бешинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
тўртинчи хатбошидаги «йигирма учинчи — йигирма бешинчи» деган сўзлар «йигирма олтинчи — йигирма саккизинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 13-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

12. 14-илованинг 2 ва 3-позициялари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«

2.	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси моддаси / банди (284-модда бундан мустасно)	НК XXX/XX
3.	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 284-моддаси / қисми / банди / банд хатбошиси (агар банд икки ва ундан ортиқ хатбошилардан иборат бўлса)	НК 284/X/XX/X

»;

13. 15-иловада:
қуйидаги мазмундаги 115¹-позиция билан тўлдирилсин:
«

115 ¹ .	Бандихон тумани	1722203
--------------------	-----------------	---------

».

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қуйидаги мазмундаги 195¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

195 ¹ .	Тупроққалъа тумани	1733221
--------------------	--------------------	---------

».

14. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2020 йил 29 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

494 Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўна-
тиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчи-
риш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш
хақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2608-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 августдаги ЎРҚ-558-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2014 йил 27 июлдаги 103-сон буйруғи (рўйхат рақами 2608, 2014 йил 8 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 33-сон, 424-модда) билан тасдиқланган Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 сентябрь,
270-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2020 йил
28 сентябрдаги 270-сон буйруғига
ИЛОВА

**Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш
хамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 9-банд «б» кичик бандининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«муассасада жазо муддатини ўтаётганлар орасида уюшган гуруҳ ташкил этиш ёки етакчилик қилишга мойиллиги мавжуд бўлган маҳкумларнинг муассасада ўрнатилган тезкор вазият барқарорлигига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида;».

2. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Маҳкумларни даволаш ҳуқуқи асосидаги колонияларга ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарга ўтказиш соқчи, зарурат бўлганда, тиббий ходимлар кузатувида амалга оширилади. Маҳкум касал бўлиб қолган тақдирда, уни колониядан ёки турмадан даволаш ҳуқуқи асосидаги колонияга ёки маҳкумлар учун ихтисослашган касалхонага ўтказишга тиббий хулоса асосида йўл қўйилади.».

3. 14-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ихтисослашган даволаш муассасасида» деган сўзлар «Даволаш ҳуқуқи асосидаги колонияда ёки маҳкумлар учун ихтисослашган касалхонада» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 16-банддаги «ихтисослашган даволаш муассасасига» деган сўзлар «даволаш ҳуқуқи асосидаги колонияларга ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

495 Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2690-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Атом энергияси-дан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи ваколатли органларнинг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати ва текширувини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 10 июндаги 368-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри-ни геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 10 июндаги 59-сон буйруғи (рўйхат рақами 2690, 2015 йил 26 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 25-сон, 336-модда) билан тасдиқланган Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқ-номанинг 1-бандидаги «радиоактив моддалар — таркибида белгиланган радиациявий хавфсизлик нормалари ва қоидаларининг энг кам қийматидан ортиқ активликдаги радионуклидлар бўлган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги ядровий материалларга тегишли бўлмаган моддалар;» деган сўзлар «радио-актив моддалар — ионлаштирувчи нурланишни таркатадиган, ядровий ма-териаллар жумласига кирмайдиган моддалар;» деган сўзлар билан алмаш-тирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-ради.

**Саноат хавфсизлиги давлат
қўмитасининг раиси**

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 сентябрь,
03/ЮБ-62-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 ноябр-да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

**496 «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун
мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини
тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруққа ўзгартириш ва қўшимча-
лар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3258-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фао-
лияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бўйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил
8 июндаги 122-сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжал-
ланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйру-
ғига (рўйхат рақами 3258, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълум-
отлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3258/1057-сон) иловага му-
вофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 3 ноябрь,
133-сон

* Ушбу бўйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 3 ноябр-
да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирлиги 2020 йил
3 ноябрдаги 133-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун
мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини
тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқда:
номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун
мўлжалланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган
(орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш
учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлаш
тўғрисида».**

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган (орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.».

2. Иловада:
номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун
мўлжалланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган
(орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш
учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхати».**

«Дори воситасининг халқаро патентланмаган номи» устуни «патентланмаган номи» деган сўзлардан кейин «/Боғлов воситалари ва ёрдамчи воситалар номи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги 139 — 163-бандлар билан тўлдирилсин:

«

139.	Юмшоқ силикон қопламали ғалвирсимон моделлаштирилган боғлам 10 см х 18 см	Буллёз эпидермолизи	Буллёз эпидермолизи	Q-81
	Юмшоқ силикон қопламали ғалвирсимон моделлаштирилган боғлам 20 см х 30 см			
140.	Юмшоқ силикон қопламали ғалвирсимон уч қава тли моделлаштирилган боғлам 15 см х 15 см			
141.	Юмшоқ силикон қопламали ғалвирсимон уч қава тли моделлаштирилган боғлам 20 см х 50 см			
142.	Юмшоқ силикон қопламали ғалвирсимон икки қава тли моделлаштирилган боғлам 15 см х 20 см			

143.	Юмшоқ силикон қопламали ғалвирсимон икки қаватли моделлаштирилган боғлам 20 см х 50 см		
144.	Боғламларни фиксациялаш учун найчасимон эластик бинт 3,5 см х 10 м		
145.	Боғламларни фиксациялаш учун найчасимон эластик бинт 5 см х 10 м		
146.	Боғламларни фиксациялаш учун найчасимон эластик бинт 7,5 см х 10 м		
147.	Боғламларни фиксациялаш учун найчасимон эластик бинт 10,75 см х 10 м		
148.	Боғламларни фиксациялаш учун найчасимон эластик бинт 20 см х 10 м		
149.	Фиксациялашувчи бинт (пластырь) 4 см х 1,5 м		
150.	Яраларни даволовчи, Атравматик, асоси тўқима ва мумдан иборат бўлган стерил, Метилурацил малҳамли боғлам 10 см х 10 см		
151.	Яраларни даволовчи, Атравматик, асоси тўқима ва мумдан иборат бўлган стерил, Повидон-йод малҳамли боғлам 25 см х 10 см		
152.	Антимикробли гидрогель боғлами Мирамистин билан 5 см х 10 см		
153.	Оғриқсизлангирувчи атравматик боғлам Химотрипсин билан 5 см х 7,5 см		
154.	Жароҳатни даволаш учун биополимер боғлам 10 см х 10 см		
155.	Салфеткатар (стерилланган) 10 см х 20 см		
156.	Фиксацияловчи бинт 4 м х 4 см		
157.	Фиксацияловчи бинт 4 м х 6 см		
158.	Фиксацияловчи бинт 4 м х 8 см		
159.	Фиксацияловчи бинт 4 м х 10 см		
160.	Фиксацияловчи бинт 4 м х 12 см		
161.	Перуан балзамли боғлам (стерилланган) 10 см х 20 см		
162.	Фиксацияловчи эластик тиббиёт бинти 8 см х 20 м		
163.	Фиксацияловчи эластик тиббиёт бинти 6 см х 20 м		

».

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан келишилган.

Келишилди:

**Инновацион соғлиқни сақлаш
миллий палатаси раисининг
биринчи ўринбосари**

О. АМИНОВ

2020 йил 2 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**497 «Товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона
тўловларига тузатишлар киритишни тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор-
ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2867-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 8 февралдаги 01-02/8-3-сон «Товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритишни тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2867, 2017 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 175-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 октябрь,
01-02/8-50-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

498 Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-8

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси тўғрисида»ги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сон буйруғи билан тасдиқланган (рўйхат рақами 2000, 2009 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 36-сон, 394-модда) Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 ноябрь,
2020-14-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
директорининг 2020 йил 4 ноябрдаги
2020-14-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли
қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«корпоратив облигациялар — акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар томонидан чиқариладиган облигациялар;»;

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«эмитентнинг бошқарув органи — акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши, шунингдек, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши;».

2. 22 ва 22¹-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«22. Корпоратив облигациялар қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда:

эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги ўз капитали миқдори доирасида. Агар корпоратив облигациялар суммаси эмитентнинг ўз капитали миқдоридан ошса, эмитент ошган сумма учун таъминот бериши шарт;

сўнгги бир йилда рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидиликнинг ижобий кўрсаткичларига эга бўлган эмитентлар томонидан;

облигациялар чиқарилишидан олдинги бир йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси мавжуд бўлганда;

инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқарилади.

Бунда, корпоратив облигациялар очик обуна орқали қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда жойлаштирилади:

а) ўз капитали миқдори доирасидан юқори бўлган тақдирда, эмитент ортиқча бўлган суммага учинчи шахснинг қуйидаги таъминотидан бирини тақдим этади:

кўчмас мулк гаров таъминоти;

пул ёки уларга тенглаштирилган маблағлар;

банк кафолати;

суғурта ташкилотининг суғурта полиси;

б) мустақил рейтинг баҳоси мавжудлиги;

в) мажбурий тартибда андеррайтерни (андеррайтерлар гуруҳини) жалб этган ҳолда.

22¹. Инфратузилма облигациялари куйидаги шартларга риоя этган ҳолда: эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги, ўз капитали миқдори доирасида. Агар инфратузилма облигациялар суммаси эмитентнинг ўз капитали миқдоридан ошса, эмитент ошган сумма учун таъминот бериши шарт;

облигация чиқарилишидан олдинги йил учун молиявий ҳисобот бўйича ижобий фикр билдирилган аудиторлик хулосаси мавжуд бўлганда;

инфратузилма облигацияларини жойлаштиришдан олинган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида назарда тутилган лойиҳани молиялаштириш учун фойдаланилса.

Давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, шунингдек, давлат корхоналари инфратузилма облигацияларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқаради.».

3. 36-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Эмитент мажбуриятларининг бажарилиши гаров, банк кафолати ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланадиган облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор, шунингдек, таъминот тақдим этган шахс тўғрисидаги ва таъминот шартлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак. Бунда, облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор, шунингдек, таъминот тақдим этган шахс томонидан имзоланиши керак.».

4. 40-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Рисола эмитент бошқарув органи томонидан тасдиқланади ва куйидагиларга мувофиқ барча ахборотни ўз ичига олади:

давлат корхоналари акциядорлик жамиятларига айлантирилаётганда — мазкур Қоидаларнинг 2а-иловасига;

бошқа акциядорлик жамиятлари, шунингдек, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлари учун — мазкур Қоидаларнинг 2б-иловасига;

инвестиция фондлари учун — мазкур Қоидаларнинг 2в-иловасига;

Эмитентнинг молиявий ҳисоботлари аудитор томонидан текширишдан ўтказилганлигини тасдиқлаш учун қимматли қоғозлар эмиссия рисоласига сўнгги йил бўйича аудиторлик хулосаси илова қилинади.

Эмитентнинг охирги йил учун молиявий ҳисоботининг аудитор томонидан текшируви тугагунига қадар эмитент рисолани охирги тугалланган йил учун аудиторлик хулосаси нусхасини илова қилмаган ҳолда тақдим этишга ҳақли, бундан корпоратив ва инфратузилма облигацияларини чиқариш ҳолатлари мустасно.».

5. 43 ва 44-бандлар куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43. Қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун эмитент рўйхатдан ўтказувчи органга куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) қуйидагилар кўрсатилиши лозим бўлган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза:

ташкилот номи;

ташкилотнинг юридик манзили;

қимматли қоғозларнинг сони, кўринишлари ва турлари;

бир дона қимматли қоғознинг номинал қиймати;

чиқарилишнинг умумий ҳажми;

қимматли қоғозлар чиқарилишининг тартиб рақами;

қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун тўлов суммаси, тўлов қоғози санаси ва рақами (қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно);

эмитентнинг масъул ходими ҳақида маълумот ва унинг алоқа маълумотлари;

б) мазкур Қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор (уч нусхада);

в) мазкур Қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган рисола (уч нусхада) (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда);

г) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор чиқарилганлигини тасдиқловчи акциядорларнинг ёки жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, агар мазкур қарор акциядорлик жамияти кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинган бўлса — овоз беришда иштирок этган акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, шарифлари кўрсатилган йиғилиш баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма;

д) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг тасдиқланганлигини тасдиқловчи акциядорларнинг ёки жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор тасдиқланган тақдирда эса — овоз беришда иштирок этган акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, шарифлари кўрсатилган йиғилиш баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма;

е) рисола тасдиқланганлигини тасдиқловчи акциядорларнинг ёки жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши баённомаси нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, акциядорлик жамияти кузатув кенгаши томонидан рисола тасдиқланган тақдирда эса — овоз беришда иштирок этган кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, шарифлари кўрсатилган йиғилиш баённомаси нусхаси ёки баённомасидан кўчирма;

ж) қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун белгиланган йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Аризаларга ҳужжатлар рўйхати илова қилиниб, нусхалар ва варақлар сони кўрсатилади.

Ариза ташкилот раҳбари ҳамда бош ҳисобчиси томонидан имзоланиши керак.

Агарда ушбу банднинг «г» — «е» кичик бандларида кўрсатилган қарорлар:

акциядорлик жамияти умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган тақдирда, қўшимча равишда санок комиссияси томонидан тузилган кворум ва овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома нусхаси ёки баённомадан кўчирма;

жамиятнинг ягона акциядори ёки иштирокчиси томонидан қабул қилинган тақдирда, акциядорнинг ёки жамият иштирокчисининг тегишли қарорининг нусхаси тақдим этилади.

44. Облигацияларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қўшимча равишда қуйидагилар тақдим этилиши керак:

а) агар облигацияларнинг чиқариш мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашга мол-мулк тақдим этилса, Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ мол-мулкнинг баҳоланганлигини тасдиқловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот нусхаси, шунингдек, ушбу мол-мулкнинг гаров фактини тасдиқловчи ҳужжат;

б) облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқланишидан олдинги охирги тугалланган молиявий йил учун ва охирги чорак учун облигацияларни чиқариш бўйича таъминотни тақдим этган учинчи шахс(лар)-нинг бухгалтерия ҳисоботлари;

в) эмитентга учинчи шахс(лар) томонидан ушбу эмитентнинг чиқарилаётган облигациялари мажбуриятлари бўйича бундай таъминот мавжуд бўлганда таъминот (гаров, банк кафолати, ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усул) берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

г) эмитентнинг сўнгги тугалланган йил давомида рентабеллик, тўлов қobiliяти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик бўйича ижобий кўрсаткичлари мавжудлигини тасдиқловчи аудиторлик ташкилоти хулосасининг асл нусхаси (ёки тасдиқланган нусхаси) (корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда);

д) эмитентнинг облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқланган сана учун ўз капитали миқдорини (Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида) тасдиқловчи аудиторлик ташкилоти хулосасининг асл нусхаси (ёки тасдиқланган нусхаси);

е) эмитентнинг мустақил рейтинг баҳоси мавжуд ҳужжат нусхаси (корпоратив облигациялар очиқ обуна орқали чиқарилган тақдирда). Бунда, эмитентга рейтинг баҳосини бериш санаси облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санагача бир йилдан ошмаслиги керак;

ж) облигациялар андеррайтер (андеррайтерлар гуруҳи) томонидан жойлаштирилганда эмитент ва андеррайтер (андеррайтерлар гуруҳи) ўртасида облигацияларни жойлаштириш шартлари кўрсатган ҳолда тузилган шартнома нусхаси;

з) агар облигациялар чиқарилишида облигациялар бўйича мажбуриятларнинг нақд пулда тўланиши кўзда тутилган бўлса, эмитент томонидан инвесторларга тўланиши лозим бўлган маблағларни тўлаш бўйича эмитент ва тижорат банки ўртасида тузилган, ушбу банк томонидан тўлов агенти вазифасининг бажарилиши тўғрисидаги шартнома нусхаси. Банк томонидан

облигациялар чиқарилганда инвесторларга тўланиши лозим бўлган маблағларни тўлаш бўйича тўлов агенти вазифаси банк-эмитент томонидан мустақил равишда ёхуд бошқа банк томонидан амалга оширилиши мумкин.».

6. 60-бандда:

«а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) қуйидагилар кўрсатилиши лозим бўлган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза:

ташкилот номи;

ташкилотнинг юридик манзили;

қимматли қоғозларнинг сони, тури ва типи;

бир дона қимматли қоғознинг номинал қиймати;

чиқаришнинг умумий ҳажми;

акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун тўлов суммаси, тўлов қоғози санаси ва рақами (қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно);

эмитентнинг масъул ҳодими ҳақида маълумот ва унинг алоқа маълумотлари.

Аризаларга нусхалар ва варақлар сони кўрсатилган ҳолда ҳужжатлар рўйхати илова қилинади.

Ариза ташкилот раҳбари ҳамда бош ҳисобчиси томонидан имзоланиши лозим.».

«ж» ва «з» кичик бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 91-бандда:

«г» кичик банди чиқариб ташлансин;

«д» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) давлат рўйхатига олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.».

8. 1а-иловасида:

«(КОРПОРАТИВ, ИНФРАТУЗИЛМА)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари: _____
(Кўрсатилади:

облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда эмитентдан облигацияларнинг номинал қийматига тенг бўлган сумма миқдорини ёки бошқа мол-мулк эквивалентини олиш ҳуқуқи, шунингдек, облигацияларнинг номинал қийматининг белгиланган фоизини ёки облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарор билан белгиланган бошқа мулк ҳуқуқларни олиш ҳуқуқи.

амалга ошириш шартлари, тартиби ва муддатлари кўрсатилган ҳолда, шу жумладан, эмитентнинг ўз капитали камайганида ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида, эмитент томонидан облигацияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи. Бунда, эмитентнинг ўз капиталининг камайиши тўғрисидаги маълумотни ошкор қилиш тартиби кўрсатилиши керак;

бошқа ҳуқуқлар)»;

7 банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олинишига нисбатан чеклашлар.

(Чеклашлар кўрсатилаётганда чекловларга асос бўлган ҳужжат(лар) ва (ёки) қонун ҳужжатларини кўрсатиш лозим.)»;

11.6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11.6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: _____

(Облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади. Агар ушбу чиқарилиш овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқарилиши бўлса, қўшимча равишда овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган облигацияларни харид қилишда имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга облигацияларни жойлаштириш баҳоси ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)»;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот: _____
(Кўрсатилади:

таъминот берган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи;

таъминот берган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи ва яшаш манзили;

таъминот тури;

пул кўринишидаги таъминот миқдори)»;

қуйидаги мазмундаги изоҳлар билан тўлдирилсин:

«Изоҳлар:

1. Курсивда берилган матн босма ҳужжатда акс эттирилмайди.

2. Агар таъминот иккита ёки ундан ортиқ шахслар томонидан тақдим этилган бўлса, шу шахслар имзоси, шунингдек, жалб этилган баҳоловчи ташкилот раҳбарларининг имзоси титул варағидан кейинги варақда кўрсатилади.

3. Ушбу облигациялар чиқарилишининг эмитенти масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият бўлса, 9-банд тўлдирилмайди.

4. Облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор давлат органи томонидан тасдиқланган тақдирда, ушбу қарор мазкур орган муҳри билан тасдиқланади.».

9. 2, 3 ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. 26-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Келишилди:

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2020 йил 2 ноябрь

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**499 Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича
компенсация пул тўловларининг механизми тўғри-
сидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-6*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 27 апрелдаги ПФ-5986-сон «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 30 ноябрдаги 102-сон буйруғи (рўйхат рақами 2175, 2010 йил 30 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 531-модда) билан тасдиқланган Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 октябрь,
45-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 15 октябрдаги
45-сон буйруғига
ИЛОВА

**Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича
компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги
низога киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари жами даромад таркибига киритилмайди ва иш ҳақи (пенсиялар, нафақа) тўланадиган муддатларда тўланади. Бунда, компенсациялар ҳар ойда корхона штатида турган ҳар бир ходимга иш жойида, пенсионерларга ва нафақа оладиган ногиронлиги бўлган болалар ҳамда нафақа оладиган пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган, меҳнатга қобилиятсиз кекса фуқароларга — пенсия (нафақа) олиш жойида тўланади.».

2. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Компенсациялар қуйидаги тартибда тўланади:

пенсионерлар ва ижтимоий нафақалар олувчиларга — пенсия (ижтимоий нафақа) тўлаш билан бир вақтда;

ишлайдиган фуқароларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан пенсия олувчи ишлайдиган пенсионерларга иш ҳақини тўлаш муддатларида.».

3. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Ишловчи фуқаролар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан пенсия олувчи ишловчи пенсионерлар ишдан бўшаш ҳолатида, ходим бўшаётган ой учун компенсация иш жойида тўланади.».

4. 12-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**500 Кредит бюрларини рўйхатга олиш ва уларнинг
фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ни-
зомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/23-сон қарори (рўйхат рақами 3042, 2018 йил 25 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 30-сон, 630-модда) билан тасдиқланган Кредит бюрларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низома иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2021 йил 1 январдан кучға қиради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 октябрь,
24/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
28 октябрдаги 24/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Кредит бюрларини рўйхатга олиш ва уларнинг
фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низома
ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

1. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Қуйидаги шахслар кредит бюросининг ижро органи раҳбари лаво-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

зимиға мувофиқ эмас деб топилади ҳамда ушбу лавозимни эгаллаши мумкин эмас:

олий иқтисодий маълумотга эга бўлмаган шахслар;

камида беш йиллик иш тажрибасига, шу жумладан, кредит амалиёти билан боғлиқ йўналишда камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлмаган шахслар;

ижро органи аъзоси, кузатув кенгаши аъзоси ёки ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган иштирокчи (акциядор) сифатида ёхуд бошқа усулда ўзи томонидан назорат қилинган юридик шахсни ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида банкротлик ва мажбурий ликвидация ҳолатига олиб келган шахслар;

иқтисодиёт соҳасидаги ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар.».

2. 19-бандда:

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Кредит бюроси Кредит бюроларининг давлат реестрида рўйхатга олинган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда унга лицензия берилади.».

4. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунининг 20, 22, 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 21 сентябрдаги 21/12-сон «Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан, банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3283.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 01-43/4102, 422-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3284.

3. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2020 йил 23 октябрдаги 01-43/4097-сон «Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3104-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 6-2020, 4-сон «Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2780-3.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 30 сентябрдаги 01-02/15-48-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-5.

6. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 28 сентябрдаги 270-сон «Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2608-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 03/ЮБ-62-сон «Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2690-2.

8. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 3 ноябрдаги 133-сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3258-1.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 2 октябрдаги, 01-02/8-50-сон «Товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритишни тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2867-1.

10. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2020 йил 4 ноябрдаги 2020-14-сон «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-8.

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 15 октябрдаги 45-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенса-

ция пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-6.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 28 октябрдаги 24/7-сон «Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритишни тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2867, 2017 йил 14 март).

2020 йил 4 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

